Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

11 июнь 1971 йил, жума ◆ № 132 (15.002). ◆ Баҳоси 2 тийин.

«САЛЮТ» УЧИШНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 10 июнь, (ТАСС). «Салют» орбитал илмий станцияси экипажининг тўртинчи иш кунидаги программанинг асосий қисми медицина-биология тадқиқотлари ўтказиш учун ажратиб қўйилган эди. Бугун ўтказилган экспериментлардан бири вазнсизлик шароитида юрак-томир системасининг функционал ҳолати тўғрисида илмий ахборот олишдан иборат бўлди.

Тадқиқотлар махсус кўп каналли кучайтирувчи-ўзгартирувчи аппарат ёрдамида функционал намуналар олиш билан бирга ўтказилди. Эксперимент вақтида физиологик параметрлар телеметрик канал орқали ёзиб олинди.

Вазнсизлик шароитининг одам организмидаги ўзгаришларга ўтказаётган таъсирига баҳо бермоқ учун суюқ тўқималари тиғизлигини аниқлаш эксперименти ўтказилди.

Экипаж аъзоларининг ҳаммасидан микроанализаторлар ёрдамида қон олинди. Бу қон кейин ердаги лабораторияларда тадқиқ қилинади.

Алоқа сеансларидан бирида станция бортидан туриб телевизион репортаж олиб борилди. Шу репортаж чоғида экипаж аъзолари ўзлари ва ўзларининг ўртоқлари тўғрисида, шунингдек учишнинг мақсадлари ва вазифалари тўғрисида телетомошабинларга ҳикоя қилиб бердилар.

«Салют» орбитал илмий станциясининг борт системалари ва илмий аппаратлари нормал ишлаб турибди. Космонавтлар Добровольский, Волков ва Пацаев ўртоқлар ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар. Москва вақти билан соат 14-40 минутда илмий станция Совет Иттифоқи территориясидан радио орқали алоқа қилиш мумкин бўлган зонадан чиқиб кетди.

«Салют» станциясининг учиши давом этмоқда.

ПАХТАЧИЛИКНИ КОМПЛЕКС МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРАМИЗ

ТОШКЕНТ ВА СИРДАРЁ ОБЛАСТЛАРИ КОЛХОЗЛАРИ, СОВХОЗ ЛАРИ ВА РАЙОНЛАРИНИНГ 1971 ЙИЛ ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИНИ КОМПЛЕКС МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ЮЗАСИДАН ИШЛАБ ЧИҚҚАН ТАДБИРЛАРИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети

ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети Тошкент ва Сирдарё областларининг 1971 йилда пахта йиғим-теримини комплекс механизациялаш юзасидан ишлаб чиққан тадбирларини кўриб чиқиб, маъқуллади.

Область ва район партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва район ижроия комитетларига, Узбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, республика совхозлар министрлигига, «Главсредазирсовхозстрой»га, «Узсельхозтехника» бирлашмаси ва унинг жойлардаги органларига Тошкент ва Сирдарё областлари намунаси асосида ҳар бир колхоз ва совхозда пахтани машинада теришга ўз вақтида тайёргарлик кўриш ва уни уюшқоқлик билан ўтказиш, йиғим-терим ишларини комплекс механизациялашни ҳар томонлама кенгайтириш, шу тариқа республика колхоз ва совхозларининг 1971 йилда машиналар билан 2 миллион тонна пахтани териб олиш юзасидан қабул қилган мажбуриятларининг муваффақиятли бажарилишини таъминлаш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиб, амалга ошириш топширилди.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ МЕХАНИЗАТОРЛАРИНИНГ МАРРАСИ

Тошкент области пахтакорлари КПСС XXIV съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XVIII съезди қарорларини амалга ошира бориб, 1971 йилда Ватанга 400 минг тонна пахта етказиб бериш юзасидан юксак социалистик мажбурият қабул қилдилар.

Мажбуриятнинг муваффақиятли бажарилишида пахтачиликда, айниқса йиғим-терим ишларида комплекс механизациянинг кенг жорий этиш муҳим омил ҳисобланади. Область хўжаликлари 250 минг тонна пахтани машиналарда териб олиш ва 49 минг гектар ердаги ҳосилни қўл меҳнати ишлатмай туриб йиғиштириб олишни мўлжаллаб қўйдилар.

Мўлжалланган ҳажмдаги пахтани механизмлар билан йиғиштириб олиш ишларини бажариш учун область хўжаликларида 3702 дона терим машиналари, 1260 та кўрак йиғиш машиналари, 1171 та механик подборщик, пахтани қоп-қанорсиз ташийдиган 7157 прицеп тайёрлаб қўйилади. Колхоз ва совхозлар қўшимча равишда пахта териш машиналари, механик подборщиклар, кўрак узиш машиналари ва бошқа техника сотиб оладилар.

Пахта териш машиналарини, пахтани қол-қанорсиз ташийдиган прицеплар, транспорт тракторларини ремонт қилиш ва тайёрлаш 20 августгача, механик подборщикларни, кўрак узиш машиналари, кўрак тозалаш машиналари ва бошқа техникани ремонт қилиш ва тахт қилиб қўйиш 15 сентябргача тугалланади. «Узсельхозтехника» устахоналарида 1100 та пахта териш машиналари, 250 та йиғим аппаратлари, пахтани қоп-қанорсиз ташийдиган 400 прицеп, 420 транспорт трактори ва 300 та кўрак тозалаш машиналари капитал ремонт қилинади. Қолган техника колхоз ва совхозларнинг кучи билан тахт қилиб қўйилади.

Техника ремонти ва уни тахт қилиб қўйишни белгиланган муддатда ниҳоясига етказиш учун хўжаликларнинг ҳамда «Узсельхозтехника»нинг устахоналарида ишлаш учун 2500 ишчи ва механизатор жалб этилади. Ремонт ишлари планли, график бўйича, икки сменада олиб борилади.

Техникани тахт қилиб қўйиш ва ремонт қилишнинг сифати устидан назоратни кучайтириш мақсадида июнь ва июль ойларида хўжаликлар ва районлар ўртасида ўзаро текшириш ўтказиш, ҳамма колхоз ва совхозларда тайёргарликни текшириш мўлжалланади.

Техникадан юксак унум билан фойдаланиш мақсадида 9520 механизатор, шу жумладан пахта териш машиналарининг 7404 механик ҳайдовчиси ва кенг профилдаги 2116 тракторчи машинист тайёрланади.

«Узсельхозтехника»нинг район бирлашмалари ҳузуридаги уч ойлик курсларда 600 механик-ҳайдовчи ва совхозлардаги курсларда 424 механик-ҳайдовчи қўшимча равишда тайёргарликдан ўтади. Қўшимча равишда хотин-қизлардан 55 механик-ҳайдовчи тайёрланади. Автомобиль хўжаликларидаги 190 шофер ҳамда ҳунар-техника билим юртини битириб чиққан кенг профилдаги тракторчи машинистлардан 1080 киши пахта териш машиналарида ишлашга жалб қилинади.

Пахта териш машиналарининг механик-ҳайдовчилари малакасини ошириш мақсадида «Узсельхозтехника» район бирлашмалари ҳузурида, совхозларда, «Ташсельмаш» заводида икки ҳафталик курслар очилиб, уларда 540 механик-ҳайдовчи тайёрланади.

Механизаторлар сафи мактабларни битириб чиққан ёшлар ҳисобига ҳам тўлдириб борилади. Тажрибали механик-ҳайдовчилар уларни оталиққа олишади. Ҳамма ҳайдовчилар машинада пахта териш усталарининг тажрибасини ўрганиб олиши учун бошқа тадбирлар ва семинарлар ҳам ташкил этилади.

Пахтадан мўл ва эртаги ҳосил тўплаш, пахта териш машиналарининг юксак унум билан ишлашини таъминлаш мақсадида: далаларни бегона ўтдан вақтида тозалаш; қатор ораларини сифатли ва ўз вақтида парвариш қилиш; июнь ойи охиригача минерал ўғит солишни тугаллаш; қишлоқ хўжалик зараркунандалари ҳамда касалликларини йўқотишга қаратилган профилактик ишларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишга адоҳида эътибор берилади.

Машина теримига ажратилган ҳамма майдонларда механизациялашган чеканка ва қолган майдонларда эса қўл чеканкаси 1 августдан кечиктирилмай ўтказилади.

Пахта майдонларини дефолиация қилишни энг яхши муддатларда ва юқори сифатли ўтказишга қарор қилинди. Хўжаликларга дефолиантлар келтириб қўйиш, аэродромлар ва қўниш майдончаларни тайёрлаш, трактор пуркагич-чанғиларни машиналари ва бошқа моддий-техника воситаларини тайёрлашни 20 августдан кечиктирмай тугаллашга қарор қилинди.

(Охири учинчи бетда).

ҒАЛЛА—ДАВЛАТГА

Қашқадарё области-нинг лалмикор ерларида ғалла ўрим-йиғимини қизғин бошланиб кетди. Қамаши районидаги Карл Маркс номли совхоз ғаллакорлари ўрим-йиғимқинг дастлабки куниданоқ суръат отига қамчи босдилар. Ғаллазорга 76 та комбайн чиқди. Совхоз ғаллакорлари 130 минг центнер донни 20 иш кунида йиғиштириб олишга аҳд қилганлар. Суратларда: (юқорида) Карл Маркс номли совхоз ғаллазорларида ўрим пайти. Пастда эса 500 гектар майдоннинг ғалласини ўриб-йиғиб беришга аҳд қилган илғор комбайнчи С. Хўжақуловни кўриб турибсиз.

Н. Ключнев фотолари, (ЎзТАГ фотохроникаси).

ОРБИТАЛ «САЛЮТ» ИЛМИЙ СТАНЦИЯСИ БОРТИДАН ТАБРИКЛАР

АМЕРИКА ҚИТЪАСИНИНГ ХАЛҚЛАРИГА

Учувчи бошқараётган орбитал «Салют» илмий станцияси бортидан Шимолий ва Жанубий Америка халқларига ўз истакларимизни йўллаймиз.

Космонавтлар ДОБРОВОЛЬСКИЙ, ВОЛКОВ, ПАЦАЕВ.

ҲИНДИ-ХИТОЙ ХАЛҚЛАРИГА

Қаҳрамон Вьетнам халқига Лаос ва Камбоджанинг мард ватанпарварларига оташин саломимизни йўллаймиз ва империалистик агрессияга қарши, ўз мамлакатларининг озодлиги ва мустақиллиги учун курашда муваффақият қозонишларини астойдил тилаймиз.

Космонавтлар ДОБРОВОЛЬСКИЙ, ВОЛКОВ, ПАЦАЕВ.

ОСИЁ ХАЛҚЛАРИГА

Осиё халқларининг миллий мустақилликни мустаҳкамлаш учун, империализмга ва янги мустамлакачилик-ка қарши курашда муваффақиятлар қозонишларини истаймиз.

Космонавтлар ДОБРОВОЛЬСКИЙ, ВОЛКОВ, ПАЦАЕВ.

АФРИКА ХАЛҚЛАРИГА

Учувчи бошқараётган орбитал «Салют» станцияси бортидан Африка халқларининг империализмга қарши, миллий мустақилликни мустаҳкамлаш ва социал тараққиёт учун курашда муваффақиятлар қозонишларини истаймиз.

Космонавтлар ДОБРОВОЛЬСКИЙ, ВОЛКОВ, ПАЦАЕВ.

ПИЛЛАМИЗ—ТИЛЛАМИЗ

Республика областларида пилла тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1971 йил 10 июнга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — мавсум бошидан бўён тайёрланган пилла (тонна ҳисобида); иккинчи стун — планнинг бажарилиш процента; учинчи стун — бир кунда тайёрланган пилла (процент ҳисобида).

ХОРАЗМ	1467,9	115,5	5,4
БУХОРО	2609,5	113,4	—
ТОШКЕНТ	1533,6	111,9	0,5
СИРДАРЁ	434,9	111,0	0,4
АНДИЖОН	3140,8	108,3	0,3
ҚАШҚАДАРЁ	1234,4	107,3	0,2
ФАРҒОНА	4522,3	100,5	0,2
НАМАНГАН	2009,2	100,4	0,1
СУРХОНДАРЁ	703,0	100,4	—
Самарқанд	2070,7	94,1	0,8
ҚҚ АССР	532,2	81,9	4,5
Республика бўйича:	20258,6	103,8	0,7

ЛЕНИН ПАРТИЯСИНИНГ ИШИ—ХАЛҚНИНГ ИШИ

Сайловчиларнинг Н. В. ПОДГОРНИЙ билан учрашуви

10 июнда ССР Иттифоқи Большой театрида Москвадаги Ленинград сайлов округи меҳнаткашларининг вакиллари шу округдан РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Николай Викторович Подгорний билан учрашдилар.

Йиғилишни Ленинград район партия комитетининг биринчи секретари Ю. И. Репников очди.

Ишончли вакил, Оржоникидзе номидаги Москва авиация институтининг доценти, техника фанлари кандидати В. В. Николенкога сўз берилади. У депутатликка номзоднинг таржимаи ҳолини мажлис аҳлига эслатиб, Н. В. Подгорний ўз фаолияти билан совет кишиларининг зўр ҳурматига сазовор бўлганлигини уктириб ўтди. Н. В. Подгорний СССР ва Россия Федерацияси Олий Советларига пойтахтнинг Ленинград сайлов округидан бир неча бор сайланган ва у юксак ишончни шараф билан оқлаб келмоқда.

Ҳозирги вақтда меҳнаткашларнинг депутатликка номзодлар билан ўтказилаётган учрашувлари партия билан халқнинг бузилмас бирлигини, совет кишилари партия ва Совет ҳукуматининг ички ва ташқи сиёсатини ягдиллик билан қизғин маъқуллаётганликларини яна бир марта яққол кўрсатувчи далилдир. Совет халқи коммунистик қурилишнинг КПСС XXIV съезди белгилаб берган жуда катта вазифаларини сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати ғоят юксалган вазиятда амалга оширишга киришди.

В. В. Николенко округ сайлов олди кенгашининг топширигини бажо келтириб, Москвадаги Ленинград округининг барча сайловчиларига мурожаат қилди ва уларни СССР Олий Совети Президиумининг Раиси коммунистлар билан партиясизлар блокининг муносиб номзоди Н. В. Подгорний учун якдил бўлиб ўз овозларини беришга чақирди.

Сўнгра сўзга чиққан ишончли вакил — «Изолятор» заводининг слесари Ю. В. Борисов, Бутунитифоқ илмий ва техникавий ахборот институтининг директори, техника фанлари доктори А. И. Михайлов, 691-мактаб директори Е. А. Краденова, илмий-тадқиқот институтининг техниги Ф. Н. Корнеев Ленинград районининг меҳнаткашлари Москванинг барча меҳнаткашлари билан бирга КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш учун кураша актив кишиларини айтдилар. Совет кишилари коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун ўз овозларини бериш билан ватанимизнинг порлоқ келажаги учун, тинчлик учун, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ленинча доно сиёсати учун овоз беражаклар.

Мажлис аҳли қизғин кутиб олган Н. В. Подгорний нутқ сўзлади.

Н. В. Подгорний депутатликка номзод қилиб кўрсатганликлари учун пойтахтдаги Ленинград райони сайловчиларига чин кўнгилдан миннатдорчилик изҳор қилиб, сайловчиларнинг бу самимий хислари ва истакларини улуғ Коммунистик партияга билдирилган хислар ва истаклар деб ҳисоблайман, деди. Бутун мамлакатда Советлар депутатлигига коммунистлар билан партиясизлар блокининг икки миллиондан кўпроқ номзоди кўрсатилди, шулардан тўққиз юз минг нафардан кўпроги партия аъзоларидир. Номзодларнинг ҳар қайсиси, биз коммунистларнинг ҳар биримиз, деди Н. В. Подгорний, ўзнга кўрсатилган ишончда, ўз шаънига айтилаётган яхши гапларда, аввало, Коммунистлар партиясига, Ленин партиясига совет кишилари кўрсатаётган жуда катта ишонч намоён бўлаётганлигини яхши тушуниб турибмиз.

Россия Федерацияси Олий Советига бўлиб ўтган аввалги сайловдан бери орада ўтган тўрт йил партия съездлари ўртасидаги даврга деярли тўғри келиб қолди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев Марказий Комитет номидан қилган Ҳисобот докладида, XXIV съезднинг резолюцияларида ва бошқа ҳужжатларида партия, бутун халқимиз қилган жуда катта бунёдкорлик ишининг якунлари, совет жамиятида, мамлакат экономикаси, меҳнаткашлар турмушининг моддий ва маданий шароитида рўй берган зўр ижобий силжишлар тўла-тўкис кўрсатиб берилди.

Н. В. Подгорний Москва партия ташкилоти раҳбарлигида пойтахт меҳнаткашлари, пойтахтнинг Ленинград районн меҳнаткашлари қилган катта ишга тўхталиб ўтди, асосий эътиборни ҳали қилинмаган ишларга, етилган проблемаларга қаратиш зарурлигини таъкидлади. XXIV съезд буюк мақсадларни белгилаб берди катта, мураккаб вазифаларни қўйди, шу вазифаларни ҳал қилиш йўллари ва воситаларини илмий жиҳатдан аниқ қилиб кўрсатиб берди. Ҳозирги вақтда партия ўзининг куч-ғайратини халқ фаровонлигини анча оширишга эришишга йўналтирмоқда. Бунда ғап социал тадбирларнинг кенг программаси тўғрисида бораётир. Одам, унинг ишлари, унинг ўсиб бораётган моддий ва маънавий талаблари шу программанинг марказида турибди.

Бу программа совет кишиларининг меҳнат билан ҳосил қилаётган даромадларини, уларнинг ижтимоий фондлардан олаётган неъматларни кўпайтиришни, кўплаб талаб қилинаётган молларни ишлаб чиқаришни анча кўпайтиришни, уй-жой қурилишини кенгайтиришни, хизмат кўрсатишнинг ҳамма соҳаларини тубдан яхшилашни, соғлиқни сақлаш ва маорифни ривожлантиришни ўз ичига олади. Бу программани барча совет кишилари жуда хурсанд бўлиб қабул қилдилар. В. И. Ленин таълим бериб айтганидек, эндиликда ишнинг энг муҳим моҳияти мўлжаллаб қўйилган программани бажариш йўлида амалий иш қилишдан иборат бўлиб турибди. Ҳамма чарсани миллионларнинг бунёдкорлик меҳнати, партиянинг, давлатнинг, жамоат ташкилотларининг муайян мақсад йўлидаги ташкилотчилик иши ҳал қилади.

Ҳар бир кишининг ташаббусли меҳнати, шу жумладан, ишлаб чиқаришни кўпайтириш резервларини, ишлаб чиқаришни ўстириш суръатларини ижодий қидириб топиш биринчи даражали аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Миллион-миллион совет кишилари съезд қарорларини бажаришга ҳудди мана шу позицияда туриб киришмоқдалар. Буни беш йиллик биринчи йилнинг топшириқларини муддатидан олдин бажариш учун бошланган мусобақа кенгайиб бораётганлиги, пландан ташқари маҳсулот ишлаб чиқариш учун ишлаб чиқариш коллективлари, шаҳарлар, ўлкалар, областлар, республикаларнинг меҳнаткашлари ўз зиммаларига олаётган мажбуриятлар кўрсатиб турибди. Энди дастлабки якунларни ҳам кўриб турибмиз — мамлакат саноати беш ойга мўлжалланган план топшириқларини бажариб бўлди; Ленинград районининг ва бутун пойтахтимизнинг меҳнатчилари ҳам бу топшириқларни адо этдилар. Мамлакатнинг эртаги куни, бинобарин, совет кишисининг, ёр-биродарларнинг, коллективининг фаровонлиги ҳам ўзининг меҳнатига, қўшаётган шахсий ҳиссасига боғлиқ эканлигини совет киши яхши билади.

Н. В. Подгорний уқтириб айтдики, турмушнинг асосий моҳияти, олий ижтимоий бурч сифатида меҳнатга муносабат янги кишининг энг муҳим, типик белгисидир. Меҳнатга бундай муносабатни маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантирмоқ керак, матбуотимиз, адабиётимиз, санъатимиз бу тўғрида баралла гапирмоғи керак.

Партия ва давлат миллион-миллион меҳнаткашларнинг ижодий ғайратини экономиканинг энг муҳим проблемаларини ҳал этишга, фанни, маданиятни янада ривожлантирмоқ учун қулай шароит яратиб беришга, ижтимоий ҳаётни тағин ҳам кўпроқ активлаштиришга йўлламоқдалар. Ҳозирги вақтда съезд Директивалари асосида Госплан ва министрликларда, республикаларда, корхоналарда беш йиллик план устида катта иш бошланиб кетди. Бу план КПСС Марказий Комитети Пленумининг муҳокамасига, сўнгра эса СССР Олий Советининг тасдиқига киритилади Совет халқи қиладиган ишларнинг программаси бўлган беш йиллик қонун кучига эга бўлиб қолади.

Ҳозирги вақтда бир қанча қзрорлар — ишчилар, хизматчилар ва колхозчиларнинг пенсия таъминотини яхшилаш, қишлоқ механизаторларининг моддий манфаатдорлигини ошириш ва меҳнат шароитини яхшилаш тўғрисида қарорлар қабул қилинди; чорвачилик маҳсулотларини саноат асосида ишлаб чиқаришни кўпайтириш, ерларни мелиорация қилишни кенгайтириш, темир йўл транспортини ривожлантириш, хўжаликни планлаштириш ва бошқариш системасини такомиллаштириш чоралари мўлжаллаб қўйилди. Бошқарув масалаларига ҳозирги вақтда катта эътибор берилаётганлиги, деди Н. В. Подгорний, қандайдир модани-нинг оқибати эмас, вақтинча қизиқишдан иборат бир нарса эмас. Бу — турмушнинг талабидир, фан-техника революциясининг натижаларидан энг кўп даражада фойдаланиш вазифаси билан чамбарчас боғланган талабдир.

(Охири иккинчи бетда).

ЛЕНИН ПАРТИЯСИНИНГ ИШИ—ХАЛҚНИНГ ИШИ

(Боши биринчи бетда).

Бундай шароитда Совет давлатининг хўжалик-ташкилотчилик иши, марказда ва жойларда давлат органларининг масъулиятини ошириш тобора катта аҳамият касб қилаверади. Бунёдкорлик фаолияти, мамлакат хўжалигига раҳбарлик қилиш энг муҳим уюштирувчи иқтисодий куч бўлиб, иш олиб бораётган умумхалқ давлатимизнинг ҳозирги кундаги характерли белгиси бўлиб қолмоқда. Халқ хўжалиги ва маданий қурилиш, аввало, меҳнаткашлар депутатларининг Советлари орқали бошқарилмоқда. Барча социал группаларнинг, мамлакатимиздаги барча миллатлар ва элатларнинг манфаатлари бирлиги Советларда мужассамлашмоқда, партия раҳбарлигида қилинаётган давлат фаолиятининг ишлари Советларга бориб тақалмоқда. Шунинг учун ҳам партия Советларнинг ролини ва обрўсини ошириш йўлини изчиллик билан ўтказиб келмоқда.

Кейинги йилларда Советларнинг фаолияти яна ҳам активроқ ва кўп қиррали бўлиб қолди, ижтимоий ишлаб чиқаришга, ўз территорияларида жойлашган корхоналар ва ташкилотларнинг ишларига Советларнинг таъсир ўтказиш имконияти анча кенгайди.

Нотиқ Россия Федерацияси Советлари актив ишлаётганлиги тўғрисида, Советлар шуғулланаётган масалалар ҳақида ҳикоя қилиб берди, Советларнинг ташаббускорлигини ва мустақиллигини кучайтириш соҳасида КПСС XXIV съезди қўйган вазифанинг муҳимлигини уқтириб ўтди. Ҳозирги вақтда Советларнинг кўп қиррали фаолиятида съезд белгилаб берган кенг социал программани амалга ошириш алоҳида аҳамият касб қилмоқда. Маҳаллий Советлар мураккаб социал-иқтисодий комплекс билан—савдо, транспорт, коммунал хўжалик, маданият ва маиший хизмат кўрсатиш соҳасидаги минглаб корхоналар ва ташкилотлар билан шуғулланмоқдалар. Советлар уларнинг пухта ишлашини таъминлашлари, аҳолининг талабларини тўлароқ қондирмоқ учун резервлардан энг кўп даражада фойдаланишлари лозим. Маҳаллий ҳокимият органлари меҳнаткашларга хизмат кўрсатиш соҳасида барча корхоналар ва хўжалик ташкилотлари қилаётган ишларни бир-бирига уйғунлаштириб туришлари мутлақо зарур. Бу соҳада кейинги йилларда анча-мунча иш қилинди. Шундай бўлса ҳам, шаҳарлар ва қишлоқлар аҳолисига хизмат кўрсатишда камчилик ва тартибсизликлар ҳануз бўлиб турибди.

Н. В. Подгорний Ленинград район Советининг ишига, унинг вазифаларига ва район ҳамда шаҳарни ривожлантириш истиқболларига тўхталиб ўтди, Москвани ривожлантиришнинг яқинда тасдиқланган бош плани ҳақида гапирди. Энг асосий вазифа, деди депутатликка номзод, совет кишисининг меҳнати, турмуши, дам олиши учун, маънавий юксалиши учун энг қулай шарт-шароит вужудга келтирилишини таъминлашдан иборат.

Партиянинг халқ фаровонлигини оширишга қаратилган планларида аҳоли учун товар ишлаб чиқариш билан банд бўлган тармоқларда ишлаб чиқаришни ўстириш муҳим ўрин олади. Хўжалик органлари янги объектларни ўз вақтида ишга тушириш ва реконструкция қилиш учун жавобгардирлар. Партия ва давлат биринчи навбатда улардан шуни талаб этади. Шу билан бирга маҳаллий Советлар енгил саноат, озиқ-овқат саноати корхоналарини ва саноатнинг халқ истеъмол қиладиган товарлар ишлаб чиқарувчи бошқа тармоқларидаги корхоналар қурилишини ва уларни реконструкция қилишни ўз оталиғига олиб, бу соҳада кўп иш қилишлари мумкин.

Совет қурилишининг боришини ўз ижроия комитети, доимий комиссиялар, депутат постлари орқали контроль қилибгина қолмай, балки меҳнат ресурслари билан таъминлашда, маҳаллий бинокорлик материаллари билан ўз вақтида таъминлашда, бинокорларнинг турмуши ва дам олишини йўлга қўйишда қурилишларга актив ёрдам ҳам бера олади. Шу сайловда сайланадиган ҳар бир Советнинг, ҳар бир депутатнинг вазифаси — ижтимоий ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларидаги ишни яхши йўлга қўйишдан, совет кишисининг самарали ишлаши ва яхши дам олиши, ўқиши ва болаларни тарбиялаши учун, унинг давлат ишларида иштирок қилиш имкониятлари, жамият тақдири учун жавобгарлиги доим ўсиб бормоғи учун шарт-шароит вужудга келтиришдан иборат.

Партия социалистик демократиянинг бундан буёнги муваффақиятларини, ижтимоий муносабатларнинг такомиллаштирилишини социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш ва қонунчиликни ривожлантириш билан маҳкам боғлайди. Нотиқ кейинги йилларда қабул қилинган муҳим қонунларни таърифлаб берди. ССР Иттифоқида ва Иттифоқдош республикаларда, шу жумладан, Россия Федерациясида қонунчилик соҳасида интенсив иш олиб борилаётганлигини таъкидлади. Кейинги йилларда меҳнат, никоҳ ва оила, соғлиқни сақлаш тўғрисидаги қонунлар ва бошқа қонунлар қабул қилинди, қонунчилик соҳасидаги актив фаолият ҳозирда ҳам давом эттирилмоқда.

Аммо қабул қилинган қонун ҳар қанча яхши бўлганида ҳам, асосий нарса шуки, бу қонун бажарилиши, амалга оширилиши керак. Партия ва давлат қонунларнинг бажарилиши устидан назоратни социалистик жамиятни бошқаришнинг мураккаб механизми, бу жамиятнинг экономикаси ва маданиятига раҳбарлик пухта ва самарали иш кўриши учун олиб борилаётган катта ишнинг ажралмас таркибий қисми деб ҳисоблайдилар. Қонунларнинг ижроси учун, хўжалик шартномаларига риоя қилиниши учун катта масъулият министрликлар, ижроия комитетлари, корхоналарнинг юридик бўлимлари зиммасига юкланади. Кейинги вақтларда юридик хизматни кучайтиришга қаратилган бир қанча тадбирлар амалга оширилди. Эндиликда ишлаб чиқариш учун, жамиятимиз учун инженер, агроном, экономист нечоғлик муҳим бўлса, юрист ҳам шунчалик муҳимдир. Суд, прокуратура, арбитраж ва нотариат, милиция органлари қонунчиликни мустаҳкамлаш борасида ҳали зўр сабот-матонат билан ишлашлари шубҳасиз, зарурдир.

Қонунларга риоя қилинишини таъминлашни Советларнинг ижроия органлари фаолияти устидан доимий контролликдан ажратиб бўлмайди. Олий Советларнинг сессияларида министрликлар кенгашлари, министрликлар ва идоралар раҳбарларнинг ҳисоботлари ҳамда докладларини қараб чиқиш практикасини, Советлардаги доимий комиссияларнинг ишини кучайтириш соҳасида қилинаётган ишларни ҳар қанча маъқуллаб, қўллаб-қувватласа арзийди. Советларнинг фаолиятини яхшилаш депутатларнинг обрўси ва активлигини ошириш билан чамбарчас боғланган. Бу эса ўз навбатида депутатнинг статути, унинг ваколатлари тўғрисидаги, мансабдор шахсларнинг депутатга, унинг Советдаги ва сайлов округидаги фаолиятига нисбатан бурчлари тўғрисидаги қонунларни такомиллаштира боришни талаб этади. Н. В. Подгорний бу соҳадаги ишлар бошлаб юборилди, деди.

Социалистик жамиятда қонуннинг амал қилиши, таъсири ўзининг ижтимоий, гражданлик бурчини тўғри тушунаётган миллион-миллион кишиларнинг қонунга сира оғишмай риоя қилишларидан иборатдир. Гражданлик бурчини тарбиялаш ғоят мураккаб иш. Бу иш биринчи галда шундан иборатки, ҳар бир кишини жамият бахт-саодати йўлида қилаётган ўз меҳнати учун, социалистик жамият қонун ва қоидаларига риоя қилиш учун юксак даражада масъулиятни ҳис этадиган қилиб тарбияламоқ керак. Бу эса совет қонунларини мунтазам равишда тушунтириб туришни, давлат ҳаётидаги энг муҳим воқеалардан, партия, совет ва хўжалик органларининг фаолиятидан аҳолини хабардор қилиб туришни яхшилашни тақозо қилади.

Совет кишиси — ўз мамлакатининг чинакам хўжайини, у мамлакат қудратининг янада мустаҳкамланишидан ниҳоят даражада манфаатдордир. Одамни, айниқса ёшларни инсоний фазилатларга эга қилиб вояга етказиш фақат мактабимиз, комсомол, меҳнаткашлар коллективигина бажарадиган вазифа эмас. Бу — оиланинг ҳам вазифасидир. Йигит ёки қиз учун ота-оналарнинг, ўзидан катта ўртоқларининг меҳнати, хулқи, яшаш тарзидан кўра ишонтирарлироқ ва ёрқинроқ ўрнак йўқ. Буни тушуниш учун педагог бўлиш шарт эмас. Ҳақиқатан давлат аҳамиятига эга бўлган бу ишга ҳар бир гражданин қатнашмоғи лозим.

Советлар мамлакати гражданини интернационализм, барча миллат ва элат меҳнаткашларининг тенг ҳуқуқлилиги ва дўстлиги руҳида тарбиялаш шу гражданни камолга етказиш ишининг ажралмас қисмидир. Социализм ватанпарварлик деган тушунчанинг ўзини янгича жаранглашга мажбур этди. Уни пролетар интернационализми билан жуда маҳкам қилиб бирлаштириб қўйди. Яна бир йилдан кейин биз ССР Иттифоқи ташкил топганлигининг эллик йиллигини байрам қиламиз. Ленин партияси жипслаштирган барча совет миллатлари ва элатларининг бузилмас социал ва ғоявий-сиёсий бирлиги ўзининг бутун улуғворлиги билан яна бир марта намойиш қилинади. Турли миллат кишиларининг гўзал ва мустаҳкам қотишмаси, янги социал бирлиги бўлган совет халқи тарихда мисли кўрилмаган халқ бўлиб, социализм ўтида вужудга келди. Совет, мамлакати халқларининг қардошлик иттифоқи, бошқа социалистик давлатларнинг халқлари билан бизнинг ҳамдўстлигимиз бутун инсоният улуғ келажагининг тимсолидир.

Н. В. Подгорний Совет Иттифоқи ташқи сиёсатининг асосий масалаларига тўхталиб ўтди, КПСС XXIV съездининг қарорларида белгилаб берилган шу сиёсатнинг асосий йўналишларини, партия ва давлат йўлини ўтказишнинг самарали натижаларини айтиб берди. Кейинги йилларда социалистик ҳамдўстлик янада мустаҳкамланди, халқаро ишчилар, коммунистик ва миллий озодлик ҳаракатининг активлиги, прогрессив революцион кучларнинг жипслиги кучайиб борди. Социализм, демократия ва тинчлик кучлари ўз позицияларини мустаҳкамлаб олди, эзиш, агрессия ва милитаризм кучларини янада четлаштириб қўйди.

Бироқ, жаҳоннинг революцион йўл билан янгиланишига халақит беришга уринаётган империализмга, реакцион доираларга қарши кураш ҳануз мураккаб ва кескин кураш бўлиб турибди. Совет кишилари, жаҳон жамоатчилиги Европа қитъасидаги аҳволга аввалгидек ғоят диққат-эътибор билан назар солиб турибдилар. Шундай қилишнинг чуқур сабаблари ҳам бор. Гитлерчилар Германияси Совет Иттифоқига мунофиқона ҳужум қилганига бир неча кундан кейин ўттиз йил тўлади. Бу ҳужум гитлерчилар Германиясининг батамом тор-мор келтирилиши билан тамомланди. Бироқ, Германия Федератив Республикасида ҳали ҳам баъзи бир кимсалар реванш орзусида юрибди. Қитъанинг энг зарур проблемаларини ҳал қилишга тўсқинлик қилаётган кучлар Европа ташқарисида ҳам бор. Буни НАТО кенгашининг Лиссабондаги сессияси яна бир марта эслатди. Маълумки, Шимолий Атлантик блокида шу блок қатнашчиларининг фикрлари ва позицияларида бирмунча тафовут борлиги кўриниб турибди, албатта. Улар Совет Иттифоқининг янги ташаббусларига жавобан ўз фикрларини айтишга мажбур бўлдилар. Шу билан бирга муайян доиралар Европанинг актуал проблемаларини ҳал қилишни орқага суришга интилмоқдалар.

Бизнинг мамлакатимиз Европа масалаларининг ҳаммасини битта тугун қилиб боғлаб қўймасдан, параллел равишда ҳал қилиш мумкин ва лозим деб ҳисоблайди. Кескинликни юмшатишни, Европадаги мавжуд территориал ҳолатни мустаҳкамлаб қўйишни изчил равишда талаб қилмоқдамиз. Хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишлаб Европа кенгашини ўтказиш шу мақсадга хизмат қилган бўлур эди. Шундай кенгашни чақиришни таклиф қилган СССР ва бошқа социалистик мамлакатларнинг позицияси муайян ва равшан—кенгаш фойдали деган умумий гаплардан уни актив равишда тайёрлашга ўтиш пайти келди.

Н. В. Подгорний Яқин Шарқдаги аҳволни муфассал тавсифлаб ўтди, Бирлашган Араб Республикасига яқинда қилган сафарининг натижаларини айтиб берди.

Империалистик, реакцион доираларнинг Исроилнинг тўғридан-тўғри агрессия қилиши йўли билан илғор араб режимларини йўқ қилиб ташлаймиз, деган ниятлари 1967 йилда барбод бўлганидан кейин шу доиралар бошқа араб давлатлари каби Бирлашган Араб Республикаси халқининг ҳам тараққиёт ва миллий мустақиллик йўлидан боришига халақит беришга интилишдан воз кечганлари йўқ. Улар халқ манфаатларига зид бўлган худди ўша ғаразли мақсадларига эришмоқ учун жуда кўп хил усуллардан фойдаланмоқдалар, Исроил экспансиячиларига очиқдан-очиқ ҳар томонлама мадад беришни давом эттирмоқдалар.

Араб давлатлари мустақиллигининг жуда муҳим таянчига — уларнинг Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар билан дўстлик алоқаларига путур етказиш учун ҳам империалистлар жуда кўп ҳаракат қилмоқдалар. Бироқ, араб халқлари, СССР, социалистик лагерь мамлакатлари кўрсатаётган актив қаршилик империалистларнинг кирдикорларини барбод қилмоқда. Қоҳирада президент А. Садат билан ва Бирлашган Араб Республикасининг бошқа раҳбарлари билан ўтказилган суҳбатлар ҳар иккала томоннинг бундан буён ҳам совет-араб дўстлигини мустаҳкамлашга, сиёсий, иқтисодий, мудофаа ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни чуқурлаштиришга интилаётганлигини яна бир марта таъкидлади. СССР билан Бирлашган Араб республикасининг муносабатлари янги босқичга ўтмоқда. Буни улар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузилганлиги яққол кўрсатиб турибди. Бу шартнома жаҳон социализми ва миллий-озодлик ҳаракати кучларининг антиимпериалистик асосда бир-бири билан тобора кўпроқ яқинлашиб бораётганлигини акс эттирди. Шартномани совет ва миср халқлари маъқуллаб кутиб олдилар, у халқаро миқёсда катта таассурот қолдирди, араб халқларининг ўз мустақилликларини мустаҳкамлаш учун олиб бораётган кураши манфаатларига, халқларнинг империализмга қарши, ўзларининг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун олиб бораётган кураши манфаатларига, ялпи тинчлик ва хавфсизлик учун кураш манфаатларига хизмат қилади, шу тариқа бу шартнома Совет мамлакати тинчликсевар сиёсатининг мақсадларига ҳам хизмат қилади.

Совет Иттифоқининг халқаро майдондаги муваффақиятлари, — деди Н. В. Подгорний,—ташқи сиёсатимизнинг совет кишиларининг меҳнатдаги муваффақиятлари билан кўпайтирилган активлигидир. Халқимиз ўз мамлакатини ҳар томонлама мустаҳкамлаб, коммунистик қурилишни муваффақиятли равишда олиб бориб, шу тариқа ўзининг интернационал бурчини ҳам бажармоқда. Шу муносабат билан Н. В. Подгорний совет дипломатларининг, савдо, иқтисодий ваколатхоналар ходимларининг қилаётган катта меҳнати ҳақида, чет элларга бориб ишлаётган инженерларимиз, ишчиларимиз, врачларимиз, ўқитувчиларимиз совет халқининг социалистик ва ривожланаётган мамлакатлар халқлари билан дўстлигини мустаҳкамлаш ишига, шу мамлакатларнинг миллий экономикасини ривожлантиришга катта ҳисса қўшаётганликлари ҳақида ҳикоя қилиб берди.

Н. В. Подгорний ўз нутқининг охирида уқтириб айтдики, демократия-проблемалари жаҳондаги икки ижтимоий система ўртасида олиб борилаётган сиёсий ва мафкуравий курашнинг ҳозирги кунда энг кескин участкаларидан бири бўлиб турибди. Бизнинг партиямиз, деди нотиқ, империализм идеологларининг социалистик демократия ўтказаётган прогрессив таъсирни камайтириш, совет кишисини Совет давлатига қарама-қарши қилиб қўйиш, социалистик мамлакатларнинг қардошлик иттифоқига путур етказиш йўлидаги уринишларига қарши курашиб келди ва курашмоқда. Синфдан ташқари, «соф» демократия бор деган оппортунистик ва ревизионистик фикрларни қатъий равишда фош қилиб ташладик ва бундан буён ҳам фош қилиб ташлайверамиз. Демократияни ривожлантиришга Коммунистик партия раҳбарлик қилаётганлиги социализм шароитида Коммунистик партиянинг ўзи ҳокимиятнинг мағзи эканлиги, унинг сиёсий системасида асосий бўғин бўлиб иш олиб бораётганлиги бизнинг мафкуравий мухолифларимизга хуш келмаётир. Партиямизнинг роли масаласи совет кишилари учун равшан масаладир — Коммунистик партиянинг раҳбарлигисиз чинакам демократия бўлиши мумкин эмас ва асло бўлмайди.

Н. В. Подгорний РСФСР Олий Совети депутатлигига ўзини номзод қилиб кўрсатган пойтахтнинг Ленинград районидаги корхоналар ва ташкилотларнинг коллективларига, барча меҳнаткашларга сидқидилдан яна бир марта ташаккур айтди ва дедики, депутат бўлиб ишлаш фақат катта шарафли ишгина эмас. Бу иш юксак ва мураккаб бурчдирки, мен буни ўз ишларим билан, ўзимнинг бутун фаолиятим билан оқлашга ҳаракат қиламан.

Ўртоқ Н. В. Подгорний нутқи зўр диққат-эътибор билан тингланди, қарсаклар билан бир неча марта бўлиниб турди.

Москва шаҳар Ленинград сайлов округи сайловчиларининг йиғилишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин ҳозир бўлди.

(ТАСС).

„ЮГ“ ҚЎШИН МАШҚЛАРИ

МАШҚ БОШЛАНАЁТГАН РАЙОНЛАРДА

Вертолёт жуда пастлаб учиб бораётир. Тонг қуёши ёритаётган ўрмон, унинг сўқмоқ йўллари, ўнқир-чўнқирлари, кўллари яққол кўриниб турибди. Олисдаги сайхон ерда — қўйлар подаси. Чўпон қўлини кўзига соя қилиб, баланддаги бамисоли катта ниначи каби бўлиб кўринаётган вертолётга қараб турибди. Тинч, осойишта манзара. На солдат, на жанговар техника, ҳеч нарса кўринмайди. Ерга қўниб, ўрмон ёқасига борганимиздан кейингина никоблаб қўйилган танкларга, бронетранспортёрларга кўзимиз тушди. Қудратли техника бошланғич маррада шайланиб турибди.

Никоблаш мақсадида бўяб қўйилган ГАЗ машинамиз лейтенант Анатолий Коломинскийнинг танк ротаси турган позициядан сезмай ўтиб кетиб қолишига сал қолди. Юзи офтобда қорайган новча, қотмадан келган лейтенант машиналарнинг командирларига буйруқ бермоқда эди. Коломинский — ёш офицер: ротани бултургина қабул қилиб олган.

Лекин шу вақт ичида бу рота жанговар ва сиёсий тайёргарликда яхши натижаларга эришди. Ротанинг шахсий состави отиш машқларини муваффақиятли бажарди: танкчилар отиш машқларида фақат «яхши» ва «аъло» баҳо олишди. Тактика-юриш машғулотларида взвод командирлари лейтенант Владимир Калашников ва муддатдан ташқари хизмат қилаётган старшина Григорий Якушининг ҳаракатлари юксак баҳо билан тақдирланди.

Сал нарида қалин дарахтлар соясида яшириниб турган танкнинг тўп наводчиги коммунист Николай Музиченко—рота партия ташкилотининг секретари. Запасдан чақириб олинган бу йигит консерва заводида музхона ускуналарини ремонт қилувчи слесарь бўлиб ишлаган. Яқиндагина, муддатли ҳарбий хизматни бажараётган вақтида ҳам у ҳар доим тўлқинлантирувчи «олға» деган командани мана шундай сабрсизлик билан кутар, сўнгра нишонни «илиб» олиб, отишга киришар эди. Ҳозир Николай пўлат машинадаги ўзи ўрганиб қолган жойни яна эгаллади.

— Мен ўз ҳарбий касбимни яхши кўраман, — деди у, — Болалик чоғимданоқ танкчи бўлишни орзу қилар эдим. Танк қўшинларига чақирилдим. Ҳарбий хизматни ўтаб бўлиб «гражданлик» ишида ишлаб турганимда ҳам ўз машинамни, жанговар дўстларимни сира унута олмадим.

Николай Музиченконинг танк командири Александр Филоненко, ўқловчи Виктор Жайворонок, механик-ҳайдовчи Игорь Енишеров сингари жуда яхши жанговар дўстлари бор. Бу аҳил коллективда ҳар бир киши исталган вақтда ўз ўртоғининг ўрнида ишлай олади. Танк командири машинани моҳирлик билан ҳайдай олади, механик-ҳайдовчи наводчилик вазифасини бажараверади, ўқловчи эса — отишга моҳир.

Майдон, дарахтзорлар, тепаликлар, чуқурликлар, умуман бутун машқ манзараси кўриниб турган баландликдаги команда пунктида биз бўлинма командирининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари офицер Александр Павлович Грибачев билан учрашдик.

— Танкчилар нақадар фахрланиб ўзларини танитаётганликларига эътибор қилдингизми: улар ўзларини гвардиячи ефрейтор Тарасенко! Гвардиячи старшина Иванов! деб таништиришади, — деди суҳбатдошимиз. — Ҳақиқатан ҳам улар ўз оталарининг, акаларининг жанговар шуҳратига муносиб ворис бўлган ҳақиқий гвардиячилардир.

Шу бўлинмани ҳам ўз ичига олган ҳарбий қисм жангчилари Котовский номидаги танкчилар полкининг ташаббусини қизғин қувватлаганликларини эшитиб билдик. Полкнинг шахсий состави Совет Армиясининг ва Ҳарбий Денгиз Флотининг барча жангчиларини партия XXIV съезди шарафига «XXIV съезд йили — аъло ўқиш ва хизмат қилиш йили» деган шиор остида социалистик мусобақани давом эттиришга чақирган эди. Бу мусобақа қисмда конкрет формаларда олиб борилмоқда. Экипажларнинг кўпчилиги тактика машқларининг барча нормативлари ва вазифаларини «аъло» баҳо билан бажариш мажбуриятини олишган. Ҳар икки гвардиячи жангчининг бири — жанговар ва сиёсий тайёргарлик аълочиси. Уларнинг мутлоқ кўпчилиги аъло даражали мутахассислардир.

Машқларга тайёргарлик танкчиларнинг маҳорати юксак даражада эканлигини, улар жанговар техникани жуда яхши эгаллаб олганликларини кўрсатди.

Машқ бошланадиган районларда тўпланган бўлинмалар биринчи сигнал берилиши биланоқ олға томон йўлга тушишга тайёр.

А. РЖЕШЕВСКИЙ,
В. СЕРОВ,
(ТАСС махсус мухбирлари).
«Юг» қўшин машқлари району.

КПСС ДЕЛЕГАЦИЯСИ УЛАН-БАТОРДАГИ МУЗЕЙНИ БОРИБ КЎРДИ

УЛАН-БАТОР, 8 июнь. (ТАСС махсус мухбирлари). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси КПСС Марказий Комитети секретари А. П. Кириленко ва Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Монголия Халқ-Революцион партияси XVI съездида қатнашаётган делегациясининг аъзолари бугун тушдан кейин Улан-Батордаги тасвирий санъат марказий давлат музейини бориб кўрдилар. Совет Иттифоқидан келган меҳмонлар фахрий китобга қуйидагиларни ёзиб қолдирдилар: «музейингиздаги экспозиция монгол халқининг ўзига хос миллий санъатини, унинг бой маданий меросини равшан акс эттиради, Монголия Халқ Республикаси меҳнаткашларининг турмуши ва маиший аҳволи уларнинг социалистик Монголия бахт-саодати йўлида фидокорона меҳнатини ҳар тарафлама тасвирлаган ҳозирги замон рассомлари, ҳайкалтарошлари, амалий санъат усталари асарлари билан чуқур таништиради.

Қардош халққа, унинг ижодий зиёлиларига социалистик қурилишда ҳамда социалистик миллий маданиятни ривожлантиришда янги катта муваффақиятлар тилаймиз!»

Монголия Халқ Республикаси маданият министри С. Сосорбарам меҳмонлар билан бирга бўлди.

САМИМИЙ УЧРАШУВЛАР

КПСС ДЕЛЕГАЦИЯСИ МОНГОЛ ИШЧИЛАРИ ҲУЗУРИДА

УЛАН-БАТОР, 9 июнь. (ТАСС махсус мухбири). Совет Иттифоқининг техникавий-иқтисодий ёрдами билан қурилган авторемонт заводи — Монголия Халқ Республикасидаги ремонт ва металл ишлаш саноатининг энг катта корхонаси.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. П. Кириленко бошчилигида Монголия Халқ революцион партияси XVI съездининг ишида қатнашаётган КПСС делегациясининг аъзолари бугун ишчилар ҳузурига келишди. Совет Иттифоқидан келган ўртоқларга Монголия Халқ революцион партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Буюк халқ хурали президиумининг Раиси Ж. Самбу Монголия Халқ революцион партияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, Монголия Халқ революцион партияси Марказий Комитетининг секретари Н. Жагварал, Монголия Халқ Республикаси Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Б. Дугэрсурэн ҳамроҳ бўлиб келишди.

КПСС делегациясини кутиб олишга бағишланган митинг бошланади.

Завод партиякомининг секретари ўртоқ Даваа сўзга чиқиб айтдики, Монголия Халқ революцион партиясининг XVI съезди халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг ривожланишида, улуғ совет халқининг коммунистик жамият қуришида янги босқични бошлаб берган КПСС XXIV съездидан кейин иш бошлади. Монголия Халқ революцион партиясининг XVI съезди халқ революциясининг шонли ярим асрлик юбилейини монгол халқи сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати ғоят юксалган вазиятда тантана ва хурсандчилик билан нишонлашга ҳозирлик кўраётган кунларда тўпланди. КПСС ва бошқа қардош партиялар делегацияларининг съезд ишида қатнашганлигига Монголия коммунистлари коммунистик ва ишчи партияларнинг ўсиб бораётган ҳамкорлиги ва мустаҳкамланиб бораётган бирлиги ва жипслигининг ёрқин кўриниши деб баҳо бермоқдалар.

Ўртоқ Даваа митингда ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси номидан гапириб, КПСС делегациясининг бошлиғи, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси ва КПСС Марказий Комитетининг секретари А. П. Кириленкони ва делегация аъзоларини қизғин ва самимий табриклади.

Сўнгра ишлаб чиқариш илғори ишчи ўртоқ Лхагва сўзга чиқиб, КПСС делегациясига монгол ишчилари номидан қардошларча қизғин салом топширди.

Ўртоқ А. П. Кириленко микрофон олдига келади. Гулдурос қарсаклар, «Найрамдал-дўстлик!» деган хитоблар янграйди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Монголия Халқ революцион партияси XVI съездининг ишида қатнашаётган делегацияси, деди А. П. Кириленко, корхонангизга келишни таклиф қилган, бизни ғоят қизғин, чинакам қардошларча кутиб олган авторемонт заводи ишчиларига, инженер-техник ходимларга, хизматчиларига чин кўнгилдан ташаккур изҳор қилади.

Ҳозиргина биз заводингиз цехларини айланиб чиқдик, ишчилар, инженерлар, корхона раҳбарлари билан суҳбатлашдик. Дуруст, бу суҳбатлар қисқа суҳбатлар бўлди. Лекин биз кўп нарсани билиб олдик, чунки сизлар билан биз бир тилда, ишчилар тилида, ниятларининг муштараклиги ва тақдирининг муштараклиги билан бирлашган коммунистлар тилида гаплашдик.

Азиз дўстлар! — деди ўртоқ А. П. Кириленко, сизларга ва сизлар орқали Монголия Халқ Республикасининг бутун ишчилар синфига Совет Иттифоқи ишчилар синфининг, бутун совет халқининг қизғин, қардошлик саломини олиб келдик. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежнев ва КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг барча аъзолари сизларга ўзларининг ўртоқлик саломини топширишимизни илтимос қилишди.

Эллик йил ичида Монголия ўрта аср қолоқлигидан замонавий цивилизацияга, сиёсий яккаланиб қолишдан халқаро ҳаётда актив қатнашишга жуда катта қадам ташлаб сакраб ўтди. Буларнинг ҳаммасига Монголия Халқ Революцион партиясининг муайян мақсадни кўзлаб қилаётган жуда катта фаолияти туфайли эришилди.

Биз совет коммунистлари Монголия Халқ революцион партиясининг XVI съезди ишида қатнашиб, муштарак революцион ишдаги дўстларимиз ва қардошларимиз бўлган сизлар учун ғоят фахрланмоқдамиз.

Ҳозир XVI съезд янги, катта ва масъулиятли вазифаларни белгилаб бермоқда. Монголия Халқ революцион партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, атоқли партия ва давлат арбоби ўртоқ Ю. Цеденбал Монголия Халқ революцион партияси Марказий Комитети номидан қилган ҳисобот докладида ана шу вазифаларни ёрқин ва таъсирли қилиб гапириб ўтди. Мана шу марксча-ленинча ҳужжатда Монголия Халқ революцион партиясининг XV съездидан кейин монгол халқи босиб ўтган йўлнинг якунлари ғоят чуқур анализ қилиб берилди, келгусига мўлжалланган илҳомлантирувчи план таклиф қилинди.

Социалистик мамлакатлар халқларининг дўстлиги, деб давом қилди А. П. Кириленко, буюк ҳаётий кучга эга. Бу дўстлик интернационализм, тенг ҳуқуқлилик, ҳар томонлама ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашиш принципларига асосланади. Бу принциплар Совет Россияси билан Монголия ўртасида В. И. Ленин ва Д. Сухэ-Батор иштироки билан ишлаб чиқилган битимда биринчи марта ифодаланди. Бу принциплар совет-монгол муносабатларини белгилаб бераётган барча давлатлараро ҳужжатларга асос қилиб олинди.

Ўртоқ Ю. Цеденбал бизнинг дўстлигимиз тўғрисида жуда образли ва аниқ гапириб бундай деди: «Совет ва монгол халқлари бир-бирлари билан шундай қардошдирларки, улар роҳат ва азобни бирга тортадилар, зарур бўлиб қолган тақдирда ўзларининг революцион ғалабаларини ҳимоя қилмоқ учун ўтга ҳам, сувга ҳам яна бирга тушаверадилар. Совет кишилари билан биз жангда бир экипаждамиз, меҳнатда эса бир бригададамиз. Марксизм-ленинизмнинг зафарли ғоялари, улуғ Октябрь ғоялари бизни мана шундай қилиб тарбиялаган. Халқларимизнинг мана шу буюк қардошлик дўстлигини жипслаштириб турган бақувват алоқа ипларини ҳеч қандай куч уза олмайди».

Сиз азиз ўртоқларнинг ҳузурингизда бўлган вақтимизда ҳамкорлигимизнинг самарали натижаларини ҳамма жойда кўриш мумкин. Энг янги ускуналар билан таъминланган, монгол қардошлари билан бирга совет мутахассислари ҳам фидокорона меҳнат қилаётган сизларнинг заводингиз ҳам мана шу ҳамкорлик натижасидир.

Дарҳан дўстлигимизнинг ёрқин тимсоли бўлиб қолди. Янги катта саноат районининг маркази бўлган бу шаҳар совет ва монгол бинокорларининг меҳнати билан барпо қилинди. Ҳозир бу шаҳарда бир қанча заводлар, катта электр станцияси, кўмир кони ишлаб турибди. Электр линиялари бутун чўлни қоплаб бир неча километрга чўзилиб кетган.

Азиз ўртоқлар! Сизлар шонли санага — Монголия халқ революциясининг 50 йиллигига ҳозирланмоқдасиз. Бу санани сизлар билан бирга биз, совет кишилари, бутун халқимиз ҳам нишонлайди. Совет ҳукумати Улан-Баторда Совет маданият уйи қуришга қарор қилди. Совет ишчилар синфи, совет касаба союзлари эса сизларнинг пойтахтингизда монгол касаба союзларининг маданият саройини бунёд қиладилар.

Биз ҳаммамиз қардошларча дўстлигимиз ярим асрлик тарихини фикран якунлаб турган ҳозирги вақтда, ўртоқлар, бизнинг дўстлигимиз чинакам умумхалқ характерига эга бўлиб қолганлигини зўр мамнуният билан қайд қиламиз. Партияларимиз, давлат органларимиз, касаба союзларимиз ва жамоат ташкилотларимиз, областларимиз ва аймоқларимиз ўртасида алоқалар шу қадар мустаҳкам бўлиб қолдики, бу алоқаларда ўн минглаб, юз минглаб кишилар бевосита қатнашмоқда, деб айтсак ҳеч бир муболаға қилмаган бўламиз. Бу дўстлик асло бузилмайди, абадий яшайди!

Сўнгра А. П. Кириленко КПСС XXIV съездининг ва шу съезд қабул қилган қарорларнинг аҳамиятига тўхталиб бундай деди:

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари съезд қарорларини, янги беш йилликка доир Директиваларни ўзларининг жонажон ишлари деб жуда хурсанд бўлиб қабул қилдилар. Бутун мамлакатда сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати жуда юксак даражага кўтарилди.

Совет давлати ленинча ташқи сиёсатининг мақсади, деди сўнгра А. П. Кириленко, мустаҳкам тинчликка эришишдан, социализмнинг халқаро позицияларини мустаҳкамлашдан, барча антиимпериалистик кучларнинг ўсишига ва уларнинг бирлигини мустаҳкамлашга кўмаклашишдан иборат. Партиямиз XXIV съездида Леонид Ильич Брежнев докладида таклиф қилинган тинчлик программаси мана шунга қаратилган программадир.

Халқаро ишларда ленинча йўл ўтказиб келаётган бизнинг мамлакатимиз Монголия Халқ Республикаси билан, бошқа қардош социалистик мамлакатлар билан қўлини-қўлга бериб иш олиб бормоқда. Леонид Ильич Брежнев КПСС XXIV съездида бундай деган эди. «Биз ҳар бир қардош мамлакатнинг экономикани ва фан-техникани тез ўстиришни социалистик маданиятни яшнатиш билан, меҳнаткашлар моддий фаровонлигини юксалтириш билан уйғун равишда қўшиб олиб борувчи гуллаб-яшнаб бораётган давлат бўлишини кўргимиз келади. Жаҳон социалистик системаси янги жамиятни биргаликда қураётган ва ҳимоя қилаётган, ўз тажрибалари ва билимлари билан бирбирини бойитаётган халқларнинг аҳил оиласи бўлишини, — иноқ ва бақувват оила бўлишини, ер юзидаги кишилар бу оилани эркин халқларнинг келажакдаги жаҳон ҳамжамияти тимсоли деб билишларини истаймиз».

Ўртоқ А. П. Кириленко нутқи зўр эътибор билан тингланди, қарсаклар билан бир неча марта бўлиниб турди.

КПСС делегацияси бутун дунё меҳнаткашларининг улуғ устози ва йўлбошчиси В. И. Ленин портретини завод коллективига тортиқ қилди. Шу билан бирга делегация Москвадаги Останкино телевизион минорасининг моделини ҳам туҳфа қилиб топширди.

Ўз навбатида монгол дўстлар КПСС делегациясига таниқли шоир Д. Сэнгээнинг «Кекса партизан ҳикояси» достони асосида ипак билан тикилган суратни совға қилиб топширди.

ПАХТАЧИЛИКНИ КОМПЛЕКС МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРАМИЗ

(Боши биринчи бетда).

1 сентябрга қадар кириш йўллари, кўприклар ремонтини, коллектор-зовур шахобчаларини тозалашни, машина айланадиган майдонларни тозалаш ва ўқариқларни текислаш ниҳоясига етказилади. Камида 112 минг гектар майдондаги ҳосил машиналарда териб олинади. Биринчи машина теримн ғўза баргининг 80 проценти тўкилиб, кўсакларнинг 50-60 проценти очилгач бошланади. Пахта териш машиналарининг иши ҳар группага 3-6 машина киритилган ҳолда фақат группа усулида ўтказилади. Машина теримига ажратилган майдонларда қўл теримига йўл қўйилмайди.

Кўсак очилиши биланоқ биринчи машина теримидан сўнг иккинчиси бошлаб юборилади. Унинг кетидан тўкилган пахтани механик пэдборшчиклар теради. Тупларда қолган ҳосил кўрак узиш машиналарида йиғиштириб олинади. Далалар механик подборшчикларда топтоза қилиб чиқилади.

Уруғликка ажратилган 34 минг гектар майдонда ҳосил уруғлик учун териб олиниши биланоқ десикация ўтказилади. Шу тариқа кейинги теримда пахта териш техникасини ишлатиш учун шарт-шароит яратилади.

Область колхоз ва совхозлари механизациялашган йиғим-терим қоидаларига қатъий риоя қилиб, ҳосилнинг камида 80 процентини биринчи сортларга топширадилар.

Кунига камида йиллик планнинг 6-7 проценти миқдоридаги пахтани узлуксиз қабул қилиб олишни таъминлаш, уни тўғри асраш ва вақтида қайта ишлашни ташкил этиш мақсадида тайёрлов пунктларининг техника базасини ўз вақтида тайёрлаш кўзда тутилди.

Барча пахта териш техникасининг узлуксиз ва юксак унум билан ишлашини таъминлаш мақсадида иқтисослаштирилган техника хизматини уюштириш мўлжаллаб қўйилди. Бунинг учун 200 та кўчма устахона, автомобилларга ёнилғи берувчи 58 та пункт, тракторларга ёнилғи берувчи 175 пункт тайёрлаб қўйилади, тажрибали созловчи усталарнинг бошчилигида слесарларнинг 200 группаси тузилади.

Тошкент шаҳри ва областининг саноат ва қурилиш ташкилотлари ремонтни тезроқ тугаллаш, техникани тайёрлаш, техника хизматини уюштиришда колхоз ва совхозларга оталиқ ёрдами кўрсатадилар, зарур асбоб-ускуналар, инструментлар билан жиҳозланган ҳамда малакали ишчилар билан таъминланган автомашиналар юборадилар.

Машина теримига қўйилган янги ГОСТ нархи билан таништириш юзасидан кенг тушунтириш ишлари олиб борилади, машина теримига тўланадиган ҳақ ҳамда бериладиган мукофотлар тартиби билан ҳар бир механик-ҳайдовчи обдон таништирилади. Машина теримида илғор хўжаликлар ва энг яхши механизаторлар эришган ютуқлар кенг пропаганда қилинади, уларнинг тажрибаси барча колхоз ва совхозларнинг пахтакорлари мулкига айлантирилади.

Дала меҳнаткашларига маданий-маиший шарт-шароитлар яратиб берилади: дала шийпонлари ободонлаштирилади, ҳамма жойда иссиқ овқат ташкил этилади, кўчма савдо йўлга қўйилади, дала шийпонларида мунтазам равишда кинофильмлар кўрсатилади ҳамда бадиий ҳаваскорлик чиқишлари уюштирилади, савдо ташкилотлари иши пухта йўлга қўйилади, медицина хизмати яхши йўлга қўйилади.

Белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши пахта йиғим-теримига меҳнат ва маблағ сарфини камайтириш, нобудгарчиликка йўл қўймаслик имконини беради, пахта тайёрлашни юксак суръатлар билан олиб боришни таъминлайди, пахта йиғим-теримини муддатидан илгари тугаллаш ҳамда 1972 йил ҳосили учун кузги-қишки ишларни ўз вақтида авж олдириб юбориш имконини беради.

Беш йиллик қаҳрамонлари

ЖОНКУЯР ГЕОЛОГ

АЖОЙИБ ГЕОЛОГ Г. КАСАВЧЕНКО ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛАМИЗ.

Кундалик ҳаётимиз янгилик ва хушхабарларга тўла. Лекин уларнинг баъзилари кишини шунақанги ҳаяжонга соладики, уни сўз билан таърифлаб бериш қийин. Мен мурунтовлик геолог Георгий Васильевич Касавченкога Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилганини эшитганимда ана шундай бўлди. Ўзинг билган-кўрган, тез-тез ҳамсуҳбат бўлиб турадиган кишинг, ҳар қанча улуғланса арзийдиган инсоннинг тақдирланиши қалбингни олам-олам қувончга тўлдираркан. Қизилқум экспедицияси коллективининг аъзоси бўлган бу ажойиб геолог ўз ҳаётини мана шу ишга бағишлаганлардан. Ҳаётнинг мазмунини хазина қидириш деб тушунади. Меҳнатдаги ютуғини ўзининг жамиятга қўшаётган ҳиссаси деб қувонади.

Касавченко ишлаётган Қизилқум экспедицияси республикамиз Геология министрлигининг карвонбоши коллективларидан. Улар юбилей йилида жуда катта олтин запасларини очдилар, планда кўрсатилганидан икки баравар ортиқ иш бажардилар. Самарали меҳнатлари учун коллектив КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, СССР Олий Совети Президиуми ва ВЦСПСнинг юбилей Фахрий ёрлиғини олишга мушарраф бўлди.

Касавченкони анчадан бери биламан. У билан кўп бирга бўлганман. Ҳаёти ва орзу-мақсадларидан хабарим бор. У ҳақда ҳамкасбларидан кўп яхши гаплар эшитганман. Ўзи босиқ, шошилмай гапиришидан чуқур дарёнинг секин оқишини хотирлайсан. Унинг ҳикоясини эшитганда ирodasи қанчалик кучлилигига тан берасан. Георгий Касавченко 17 ёшидан меҳнат қила бошлаган. Аввал вагон депосида слесарга шогирд тушди. Слесарь бўлиб ишлади. Ишдан ташқари вақтда кечки ишчи-ёшлар мактабида ўқиди. Кейин Шимолий Кавказ кон-металлургия институтига кирди, сўнгра ишлаш учун Ўзбекистонга йўлланма олди.

Касавченконинг хазинатопарлик фаолияти Учқулочда бошланган эди. Шу ерда партия сафига ўтди, оила қурди. Ўша пайтда эндигина топилган Мурунтов олтин кони запасларини тадқиқ этишни давом эттириш учун обдон пишган мутахассис керак бўлиб қолди. Уни Иттифоқимизнинг ана шу энг улкан олтин конига юборишди. Тажрибали геолог Мурунтовга ишга ўтар экан, зиммасида ғоят катта ва масъулиятли вазифа турганини чуқур ҳис қилди. Ишга бутун вужуди билан киришди. **Ўтган беш йилда унинг раҳбарлигида ва яқиндан иштирокида Мурунтовда саноат учун яроқли бўлган олтин конларининг иккинчи навбати бўйича қидирув ишлари муваффақиятли якунланди. Жуда катта олтин запаслари аниқланди.**

Касавченко ишга ижодий ёндошгани, маъдан жойлашиш қонуниятини чуқур таҳлил этиш натижасида ўзи хизмат қилаётган экспедиция ва трест геологлари ҳамда Ўзбекистон ССР Геология министрлиги ходимлари билан биргаликда конларни қидиришнинг тежамли методикасини ишлаб чиқди ва амалга оширди. Конларга яқин жойлашган ерни ўрганиш янги истиқболли олтин конлари очилишига имкон берди. Мурунтов Иттифоқимизда энг арзон олтин берадиган ноёб конлардан бири бўлиб қолди. Ҳозирда конларни ишга соладиган ташкилотлар илмий-текшириш институтида қилинган лойиҳа ҳисоб-китобларидан фойдаланиб, чуқур шахталар қуриш юзасидан тайёргарлик ишларини бошлаб юбордилар.

Георгий Касавченко Мурунтовга келиб кам бўлмади. Ҳалол меҳнати билан одамларга танилди, номи эл оғзига тушди. Уни 1966 йилдаёқ партия ва ҳукуматимиз республикамизнинг бир группа доврукли кон қидирувчилари қаторида тақдирлади. У Меҳнат Қизил Байроқ орденига сазовор бўлди.

Ҳозир Мурунтов таниб бўлмас даражада ўзгариб кетган. Чодир ва ертўлаларда ишлашга тўғри келган кунлар орқада қолди. Бугун Мурунтов чўл бағрида яшнаб турган гулдастага ўхшайди. У ерда ҳамма қулайликларга эга бўлган олтинпазлар шаҳри Зарафшон қад кўтарди. Энди геологлар билан бирга уларнинг оилалари ҳам фароғатда яшашяпти. Геологлар посёлкасида мактаб ҳам, магазин ҳам, ошхона, ҳаммом, клуб ҳам бор. Ҳозир улар посёлкани қайта қуриш ҳақида, янги қурилган биноларда барча қулайликлар бўлиши ҳақида қайғуришяпти. Ўн йиллик мактаб, сув ҳавзаси, музика мактаби қурилишини режалашяпти.

Касавченко ҳам энди ростмана мурунтовлик бўлиб қолди. У «Геолог ҳар қандай шароитга чидаши, кўникиши керак, акс ҳолда бу касбни эплаш қийин. Мен геолог деганда саратон иссиғию, қаҳратон қиш изғиринидан ҳам чўчимайдиган, Қизилқумнинг гармселига парво қилмайдиган кишини кўз олдимга келтираман. Бусиз геолог геолог эмас» — дейди. Геологнинг ҳаёти, меҳнат фаолияти унинг ана шу сўзларига қаттиқ амал қилаётганини тасдиқлайди. У бош геолог бўлган Қизилқум геология-қидирув экспедицияси коллективи ҳар қандай топшириқни қиёмига етказиб, обдон ўринлатиб бажаради. Улар эндиликда партиямизнинг XXIV съезди қарорларини амалга ошира бориб, ажойиб меҳнат ғалабаларини қўлга киритмоқдалар.

Мен Қизилқумга бориб Касавченко билан қачон кўришмайин, китоб мутолаа қилаётганини кўраман. У геолог ишини ижодий иш деб тушунади. Доим янгиликка интилади. Унинг уйида фақат мамлакатимиздагина эмас, балки дунёнинг жуда кўп хорижий мамлакатларида чоп этилган геология-қидирув ишларига оид китобларни, журналларни кўриш мумкин. Касавченко Мурунтов конининг экономикасидан тортиб ҳар грамм олтиннинг таннархигача билади. Ўзи жаҳонда энг арзон Мурунтов олтини ишлаб чиқаришига қўшган ва қўшаётган ҳиссаси билан фахрланади.

Партиямизнинг XXIV съезди Директиваларида тўққизинчи беш йилликда геология-қидирув ишлари самарадорлигини ошириш масаласи алоҳида тилга олинди. Тўққизинчи беш йилликда Ўзбекистонда олтин қазиб чиқарувчи саноатни янада ривожлантириш таъминланиши керак. Ўзбекистон ССР Геология министрлиги коллективлари ва ташкилотлари ишда ана шу кўрсатмага қатъий амал қилмоқдалар. Ўзбекистон хазинатопарлари янги беш йилликнинг қалдирғоч йилини ҳамма соҳада яхши ютуқлар билан бошладилар. Касавченко бош геолог бўлган Қизилқум экспедицияси коллективи ҳам 1971 йил топшириғини муддатидан олдин бажариш юзасидан янги оширилган социалистик мажбурият олди. Улар бу аҳдларининг устидан чиқишларига ишонамиз.

А. АҲМАДБОЕВ,
Ўзбекистон ССР геология министрининг ўринбосари.

СИРДАРЁ ОБЛАСТЬ МЕХАНИЗАТОРЛАРИНИНГ МАРРАСИ

Сирдарё области пахтакорлари КПСС XXIV съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XVIII съезди қарорларини амалга ошира бориб, Ватанга 500 минг тонна пахта етказиб бериш юзасидан олган социалистик мажбуриятни бажариш учун фидокорона иш олиб бормоқдалар.

Бу йил 216 минг гектардан кўпроқ майдонга чигит энг яхши агротехника муддатларида экиб олинди, шу жумладан 166 минг гектар ерга кенг қаторлаб экилди.

Олинган мажбуриятларни муваффақиятли бажаришнинг ҳал қилувчи шарти комплекс механизация, айниқса йиғим-терими механизациялашдир. Область механизаторлари машиналарда 350 минг тонна пахта териш ва қарийб 169 минг гектар майдондаги ҳосилни қўл меҳнати ишлатмай йиғиштириб олишни мўлжаллаб қўйишди.

Йиғим-терим бошлангунга қадар 4439 та пахта териш машинаси, 7818 трактор прицепи, 1063 кўрак териш машинаси, 966 механик подборщик тахт қилиб қўйилади. Область хўжаликлари қўшимча равишда пахта териш машиналари ва бошқа техника сотиб оладилар.

Пахта териш машиналари, прицеплар, погрузчиклар, транспорт тракторларини тайёрлаш ва ремонт қилиш 20 августгача ниҳоясига етказилади, механик подборщиклар, кўрак териш машиналари, кўсак тозалаш машиналари эса 15 сентябргача ремонт қилиниб тайёрлаб қўйилади.

Ремонт ишлари белгиланган графикка қатъий риоя қилинган ҳолда олиб борилади. Колхозлар, совхозлар ва «Узсельхозтехника» район бирлашмаларининг устахоналари тўла қувват билан ишлагилади. Зарур миқдорда ремонтчи ишчилар ва механизаторлар жалб этилади. Техникани тайёрлаш ва ремонт қилиш сифатига катта эътибор берилади.

Бу йил машина теримида 9017 механик-ҳайдовчи қатнашиб, ҳар бир машина бир ярим сменада ишлатилади. Совхозлар ва «Узсельхозтехника» район бирлашмалари ҳузуридаги курсларда 1610 кишини ўқитиш, 1110 кишини қайта тайёрлаш, техникумларнинг 375 талабасини ва бошқа касбдаги механизаторлар ҳамда шоферлардан 980 кишини жалб қилиш мўлжалланади.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти ҳамда бошқа олий ўқув юртлари билан келишилган ҳолда юқори курсларнинг студентлари машина теримига жалб қилинади. Пахта териш машиналарини бошқаришни яхши билган ўрта мактабларни битириб чиққан ёшлар ҳам бу ишга жалб қилинади.

Йиғим-терим бошлангунга қадар ҳамма районларда амалий семинарлар ўтказилиб, машина терими илғорлари ўз тажрибалари билан ўртоқлашадилар.

Мўл ва эртаги ҳосил олиш, пахта териш техникасининг юксак унум билан ишлаши учун шарт-шароит яратиш мақсадида далалар машина теримига тайёрлаб қўйилади, пайкаллар бегона ўтлардан тозаланиб, ғўза қатор оралари сифатли ва вақтида парвариш қилинади, суғориш вақтида ўтказилади, минерал ўғитлардан тўғри фойдаланилади, қишлоқ хўжалик зараркунандалари ва касалликларига қарши ўт очилади, машиналар айланадиган жойлар вақтида тайёрлаб қўйилади.

Асосий майдонларда энг яхши агротехника муддатларида механизациялашган чеканка ўтказилади. 326 минг гектар майдондаги ғўза дефолиация қилинади. 20 августгача қишлоқ хўжалик авиацияси учун 75 та мувақкат ва доимий аэродромлар тахт қилиб қўйилади, аэродромлар учун зарур механизмлар, трактор пуркагич чанглагичлар, сигнал ва аэродром хизмати мутахассислари тайёрлаб қўйилади, дефолиант ва десикантлар келтириб қўйилади.

1 сентябрга қадар кириш йўллари, кўприклар ремонти тугалланади. Суғориш системалари тозалаб қўйилади, машиналар айланадиган майдонлар ҳамда ўқ ариқлар текислаб қўйилади.

Юқори сифатли пахта олиш мақсадида механизациялашган терим қоидаларига қатъий риоя қилинади.

Барча хўжаликларда машиналарнинг группа бўлиб ишлаши қўлланилади. Бу ҳол машина терими билан банд бўлганларга оператив хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш ва машиналардан юксак унум билан фойдаланишга эришиш имконини беради. Далада ремонт қилиш ва машиналарга қараш учун созловчи усталар ва малакали ишчилардан 900 группа тузилади.

Пахтани вақтида ва тўғри қабул қилиб олишни йўлга қўйиш ва транспорт воситалари ни кутиб қолишининг олдини олиш мақсадида ҳамма пахта барча тайёрлов пунктларидан 15 июлгача олиб кетилиб, улар қайта ишланади, 15 августгача 24 тайёрлов пункти, 25 сентябргача эса 32 та қуритиш-тозалаш цехи ремонт қилиб қўйилади.

Пахта йиғим-теримида механизаторларни моддий рағбатлантиришнинг муҳимлигини эътиборга олиб барча мутахассислар, совхозларнинг ишчилари ва колхозчиларни пахтанинг янги ГОСТ нархлари ва машина теримига ҳақ тўлаш системаси билан таништириш юзасидан кенг тушунтиришлар олиб борилади.

Механик-ҳайдовчилар ўртасида, колхозлар ва совхозлар, бўлимлар ва бригадалар коллективлари ўртасидаги социалистик мусобақа шартлари ишлаб чиқилмоқда.

Социалистик мусобақанинг ошкора бўлишига, илғор хўжаликлар ва энг яхши механизаторларнинг ютуқларини кенг пропаганда қилишга, дала меҳнаткашларига яхши маданий-маиший шароитлар яратиб бериш, дала шийпонларини ободонлаштириш, умумий овқатланиш, маданий-маиший, савдо ва медицина хизматларини йўлга қўйишга катта эътибор берилади. Белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши йиғим-теримни юксак суръатлар билан олиб бориш, нобудгарчиликка йўл қўймаслик, ҳосилнинг асосий қисмини 25-30 иш кунида йиғиштириб олиш, ҳосил йиғим-теримини муддатидан илгари тугаллаб 1972 йил ҳосили учун кузги-қишки ишларни ўз вақтида авж олдириб юбориш имконини беради.

АЙНИЙШУНОСЛАР АНЖУМАНИ

БУХОРО. (**«Совет Ўзбекистони» мухбири).** Бу ерда тожик ва ўзбек адабиётининг асосчиларидан бири С. Айний ҳаёти, ижодий фаолиятига бағишланиб Тожикистон ССР Фанлар академияси Айний комитети, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт институти ва С. Оржоникидзе номли Бухоро давлат педагогика институти томонидан уюштирилган XIV анъанавий илмий сессия ўз ишини якунлади.

Илмий сессия ялпи мажлисини область партия комитетининг секретари ўртоқ Ҳ. Н. Мўминов очди ва айнийшунослар анжуманига тўпланган Москва, Душанба, Тошкент, Самарқанд, Ленинобод ва бухоролик олимларни самимий табриклади. Сессияда бир қанча доклад ва ахборотлар тингланди. Сессияда эшитилган ҳар бир доклад ҳамда ахборот ажойиб сўз санъаткори С. Айний ижодини янада чуқурроқ ўрганиш ва уни илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилиш соҳасида янги қадам бўлди.

Анжуман қатнашчилари Ғиждувон районидаги Соктарий қишлоғи меҳнаткашлари билан учрашдилар ва бу ердаги С. Айний уй-музейининг очилиш тантаналарида иштирок этдилар.

Т. НАЗИРОВ.

МУКОФОТ МУБОРАК!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ НАШРИЁТИНИНГ БОСМАХОНАСИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республика полиграфия саноатини ва китоб нашр қилишни ривожлантиришдаги катта хизматлари учун 50 йиллиги муносабати билан **Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1971 йил 10 июнь.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ НАШРИЁТИ БОСМАХОНАСИНИНГ АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРИГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика полиграфия саноатини ривожлантиришдаги катта хизматлари учун ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти босмахонасининг 50 йиллиги муносабати билан қуйидагиларга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» Фахрий унвони берилсин.

Богданов Николай Александрович — ротация цехининг бошлиғи.

Викнянский Давид Аронович — меҳнат ва иш ҳақи бўлимининг бошлиғи.

Мўминов Бадал — журнал-харф териш цехининг катта мастери.

Серебрякова Евдокия Федоровна — муқова цехининг мастери.

Чемадов Владимир Константинович — пенсионер, собиқ ҳарф терувчи.

Шоғуломов Ислом Шомуродович — нашриёт директори.

Юнусхонов Одилхон — республика аҳамиятидаги пенсионер, собиқ ҳарф терувчи.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1971 йил 10 июнь.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Полиграфияда кўп йиллар самарали ишлаганлиги учун ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти босмахонасининг 50 йиллиги муносабати билан босмахонанинг алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларидан бир группасини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотлади.

ПОЛИГРАФЧИЛАР БАЙРАМИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси эллик йиллик байрамини нишонламоқда. 10 июнда Тошкентда ўтказилган тантанали йиғилиш босмахона юбилейига бағишланди.

Республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Т. Турсунов полиграфчиларни самимий табриклаб, босмахона коллективига Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғини топширди. Босмахона ва нашриётнинг илғор ходимларидан бир группасига республика Фахрий унвонлари бериш тўғрисидаги ёрлиқлар, шунингдек Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари топширилди.

Йиғилишда сўзга чиққан ўртоқлар полиграфчиларнинг хизматларини таъкидлаб уларга КПСС XXIV съезди қарорларини бажаришда муваффақиятлар тилашди. (ЎзТАГ).

СЕНАЖ — ТЎЙИМЛИ МОЛ ОЗУҚАСИ

Самарқанд райони асосан сабзавоткор ҳисобланади. Шу билан бирга областда энг кўп сут етиштиради. Колхоз ва совхозларимиз тўққизинчи беш йилликнинг биринчи йилида 9356 тонна серқаймоқ сут ва 3 минг тоннадан зиёдроқ гўшт бердилар, ҳар бир сигирдан салкам 2 минг килограммдан сут соғиб олиш, гўштга топшириладиган молларнинг тирик вазнини камида 320 килограммдан бўлишини таъминлаши керак.

Чорвадорларимиз ана шу мажбуриятларни тўла ва ошиғи билан бажариш учун имконият ва резервлардан мумкин қадар унумли фойдаланиш тадбирларини кўрмоқдалар. Биринчи навбатда мустаҳкам озуқа базаси яратишга катта эътибор бермоқдалар. Дағал хашак жамғариш ҳамда силос бостиришни кўпайтирмоқдалар. Райондаги хўжаликларда алоҳида шундай бригадалар ташкил қилиб, уларнинг самарали ишлашига эришмоқдамиз. Барча емхашак бригадаларига трактор, сенокосилкалар, хашак тўдалаш ва ғарамлаш машиналари, силос комбайнлари каби техникалар, тегишли ишчи кучлари сафарбар этилган. Ҳар йилдагидан кўп — 60 минг тонна маккажўхори ва беда силоси босиш юзасидан бригадаларга конкрет топшириқлар ва графиклар тузиб берилган. Улар ўз пайтида амалга оширилмоқда.

Жумладан, йирик сутчилик фермасига эга бўлган «Боғизағон» совхозида 293 гектар ердаги беданинг биринчи ўрими 20 майдаёқ тугалланди. Беданинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил олинди. Шундан 2217 тонна сенаж бостирилди. Бу фермадаги ҳар бир бош сигирга ўрта ҳисобда 4 тоннадан тўғри келади.

Шунингдек 5-сабзавот-узумчилик совхози беданинг биринчи ўримидан 1600 тонна, Куйбишев номли колхоз 1385 тонна, «Москва» колхози 780 тонна, Энгельс номли колхоз 750 тонна сенаж-силос бостирди. «Москва» ва Энгельс номли колхозлар беданинг биринчи ўримини райондаги ҳамма хўжаликлардан олдин тамомлаб, гектаридан бултурги 30 ўрнига 46 центнердан ҳосил йиғиштирдилар. Бу колхозларда ўриш тугалланиши билан бедазорлар озиқлантириб, суғорилди. Натижада уларнинг бедаси тез ўсиб етишди. Ҳозир «Москва» колхози билан Калинин номли совхозда беданинг иккинчи ўримини ҳам бошлаб юбордилар.

Бедани муддатида ўриш, ундан юқори ҳосил олиш имконини беради. Ўтган йили районда беданинг биринчи ўрими 10 июнгача чўзилган эди. Бу йил уни асосан май ойи охирида тамомладик. Йиллик бедадан 10 минг тоннадан сенаж-силос бостириш керак бўлса, ҳозирнинг ўзидаёқ буни 13 минг 124 тонна қилиб бажардик. Ҳар бир соғин сигир бошига қарийб 3 тоннадан силос бостирдик. Яна иккинчи ва учинчи беда ўримидан шунча сенаж-силос бостиришни мўлжаллаб турибмиз. Шу йўл билан ем-хашак жамғариш таннархи анча арзонлашади. Беда 5-6 марта ўрилиб, ҳосили ошади. Биз бу йил ҳар бир сигир бошига камида 10 тоннадан сенаж-силос босишни таъминлаб, шу билан сут етиштиришни кўпайтирамиз.

О. ОЛЧИНБОЕВА,
Самарқанд район ижроия комитетининг раиси.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ГАЗЕТХОНЛАР ХИЗМАТИДА

НУР КЕЛДИ

Ургут районидаги «Узбекистон ССР беш йиллиги» колхозининг Минжир қишлоғи аҳолиси электр чироқлари нурларидан баҳраманд бўлолмаётир. Карл Маркс номли колхознинг Мўғул қишлоғи хонадонлари эса водопроводлаштирилмаган.

Шу мазмундаги ҳар иккала хат юзасидан Ургут район ижроия комитети қуйидагиларни хабар қилди:

Минжир қишлоғини тўла электрлаштириш вазифаси колхоз правлениесига топширилган эди. Шу кунларда қишлоққа электр симлари тортилмоқда. Тез орада электр нурлари қишлоқни чароғон қилади. Карл Маркс номли колхознинг Мўғул қишлоғи хонадонларини водопроводлаштириш келгуси йил планига киритилган. Ҳозир Самарқанд область «Узсельхозпроект» бошқармаси смета-техника ҳужжатларини тузиш ишларини бошлаб юборди.

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Давлатга пилла сотиш йиллик планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидагилар республика «Ҳурмат тахтаси»га ёзиладилар.

Каттақўрғон райони (район партия комитетининг секретари **С. Ражабов,** район ижроия комитетининг раиси **Б. Шукуров,** район комсомол комитетининг секретари **Б. Шомаматов,** бош пилла қуритиш пунктининг директори **А. Караев** ўртоқлар).

Навоий райони (район партия комитетининг секретари **З. Қобилов,** район ижроия комитетининг раиси **А. Нарзиев,** район комсомол комитетининг секретари **А. Қамбаров,** бош пилла қуритиш пунктининг директори **Х. Очилов** ўртоқлар).

Янгиер райони (район партия комитетининг секретари, **А. Жиберин,** район ижроия комитетининг раиси **К. Жумаев,** район комсомол комитетининг секретари **Б. Маҳмудов,** бош пилла қуритиш пунктининг директори **Ш. Маманазаров** ўртоқлар).

Избоскан райони (район партия комитетининг секретари **У. Саримсоқов,** район ижроия комитетининг раиси **А. Комилов,** район комсомол комитетининг секретари **К. Исмоилов,** бош пилла қуритиш пунктининг директори **И. Йўлдошев** ўртоқар).

Марҳамат райони (район партия комитетининг секретари **А. Йўлдошев,** район ижроия комитетининг раиси **А. Саидаҳмедов,** район комсомол комитетининг секретари **Ж. Насриддинов,** бош пилла қуритиш пунктининг директори **Ю. Мақсудов** ўртоқлар).

Олтиариқ райони (район партия комитетининг секретари **Т. Мирзаматов,** район ижроия комитетининг раиси **А. Маматхонов,** район комсомол комитетининг секретари **М. Давронова,** бош пилла қуритиш пунктининг директори **Ф. Йўлдошев** ўртоқлар).

ЭНГ ЯХШИ ОЧЕРК ВА ҲИКОЯЛАРГА МУКОФОТЛАР

Утган йили август ойида «Совет Ўзбекистони» газета редакцияси республика Журналистлар союзи билан биргаликда замонамиз кишилари, ишлаб чиқариш ва пахта далаларининг илғорларига бағишлаб ёзилган энг яхши ҳикоя ва очерклар учун конкурс эълон қилган эди.

Яқинда конкурс жюриси тақдим этилган очерк ва ҳикояларни қараб чиқиб, мукофотларни қуйидаги авторларга беришга қарор қилди:

200 сўм миқдоридаги биринчи мукофот Ҳабиб Нуъмонга — 1970 йил 26 декабрда газетамизда эълон қилинган «Мамажоннинг китоби» очерки учун;

Ҳар бири 150 сўмдан иккита иккинчи мукофот Саъдулла Сиёевга — 1971 йил 1 январда эълон қилинган «Чол ва кампир» ҳикояси ва Босит Халиловга шу йил 23 январда эълон қилинган «Темирчининг ўғли» очерки учун берилди.

Омон Мухторовнинг 1970 йил 30 декабрда босилган «Шаҳарлик келин», Ўткир Абдуазимовнинг бултур 18 ноябрда эълон қилинган «Ихтиронинг туғилиши», Йўлдош Сулаймоновнинг шу йил 17 январда эълоч қилинган «Тонг қуёши» очерклари учун ҳар бирига 100 сўмдан учинчи мукофотлар берилди.

Шунингдек, жюри Эътибор Охуновнинг шу йил 22 январда эълон қилинган «Уйғоқ дарё», Ёқубжон Шукуровнинг бултур 20 декабрда босилган «Андижонлик Чапаевчи» Анвар Эшоновнинг бултур 1 ноябрда эълон қилинган «Ватаннинг бир парчаси» ва Муроджон Мансуровнинг бултур 7 октябрда эълон қилинган «Мирзатерак» очеркларини рағбатлантирувчи мукофотлар билан тақдирлади.



ВДР. Вьетнам педагогларидан 370 киши «Социалистик меҳнат бригадаси» деган фахрли унвон олган. Бундай ном ўқитувчиларнинг самарали ишлаганликлари, мактаб ўқувчиларн ва студентларни ўқитишдаги юксак кўрсаткичлари учун берилади. Суратда: Намха вилоятидаги Ле Хонг Фонт ўрта мактабининг математика ўқитувчиларини кўриб турибсиз.

ВИА—ТАСС фотоси.

АҚШ. Жуда кўп шаҳарларда урушда ҳалок бўлган америкаликларга бағишланган ҳар йили ўтказиладиган мотам кунида урушга ва Ҳинди-Хитойдаги агрессияга қарши оммавий норозилик намойишлари ва митинглари бўлиб ўтди. Суратда: қамоққа олинган намойишчилар.

ТАСС телефотоси.

ФАШИСТЛАР ФИТНАСИ ТЕКШИРИЛМОҚДА

РИМ, 9 июнь. ТАСС мухбири Ю. Лопатин хабар беради:

Шу йил арафасида Италия, унинг республика режими ҳақиқатан революцион давлат тўнтариши хавфи остида қолган эди. Бу давлат тўнтаришини ашаддий фашист Князь Валерио Боргезе, унинг ҳарбий-лаштирилган ярим махфий миллий фронти ҳамда бошқа бир қанча фашистлашган ва ашаддий ўнг ташкилотлар ва гуруҳлар тайёрлаган эди. Янги фашистлар фитнаси тўғрисидаги иш юзасидан олиб борилган икки йиллик терговнинг дастлабки натижалари буни яққол кўрсатиб турибди.

Италиянинг тергов органлари икки юз нафардан кўпроқ гувоҳни сўроқ қилишди. Шулардан 19 киши давлат ҳокимиятига қарши қуролли қўзғолон кўтаришни мақсад қилиб олган фитнада қатнашди, деб айбланди. Полиция қамоққа олган Боргезенинг беш нафар шериғига ва Боргезенинг ўзига ҳам мана шундай айб қўйган эди. Боргезе иккинчи жаҳон уруши йилларида партизанларга қарши жазо операциялари ўтказганлиги учун Италияда унга «қора князь» деб ном берилган. Боргезенинг ўзи, баъзи маълумотларга қараганда, ҳозир ҳам Испанияда қочиб юрибди. 19 нафар янги айбланувчилар орасида истеъфодаги авиация генерали Жузеп Казеро, таниқли фашист Флавио Кампо, итальян банкининг хизматчиси Уго Рицци ва бошқалар бор.

Тергов материалларидан маълум бўлишича, бултур 7 декабрдан 8 декабрга ўтар кечаси фитначилар фашистлар тўнтаришини амалга ошириш учун ҳамма нарсани тахт қилиб қўйганлар, аммо ёрдам ва мадад беришни илгари ваъда қилиб қўйган кандайдир «баланд мартабали шахслар», шу жумладан бир қанча ҳарбий қисмларни қатнаштиришга ҳам ваъда берган мана шундай шахслар охирги пайтда бу операцияни барбод бўлишидан қўрқиб, ўзларини четга олганликлари натижасидагина жиноий план амалга ошмай қолган.

Тергов тугашига ҳали анча бор, лекин фитна ҳақиқатда нақадар кенг миқёсда олиб борилганлигини кўрсатувчи янги фактлар ҳозирнинг ўзида ҳам аён бўлиб қолди. 1970 йил 7 декабрдан 8 декабрга ўтар кечаси Римнинг турли районларида қора кўйлакларнинг кучлари уч жойда тўпланиб турган бир вақтда бундай кучлар Италиянинг бошқа бир қанча шаҳарларида, жумладан, Милан, Генуя, Турин ва Неапол шаҳарларида ҳам тўпланаверган. Фитначилар бир-бирлари билан телефон орқали алоқа қилиб турганлар. Бинобарин, бу тайёргарлик бир қанча муҳим министрликларни ҳамда Римдаги радио ва телевиденениенинг марказий редакцияларини босиб олиш мақсадини кўзлабгина қолмасдан, шу билан бирга бутун мамлакат территориясида, умуммиллий миқёсда ҳокимиятни босиб олишни ва мамлакатнинг республикачи муассасаларини йўқ қилиш мақсадини ҳам кўзда тутган.

Вабо тарқалмоқда

ГДЕҲЛИ, 8 июнь. (ТАСС). Шарқий Покистондан Ҳиндистонга қочиб ўтган қочоқлар ўртасида вабо касали тарқалиши давом этмоқда. Ҳиндистон ҳукуматининг расмий маълумотларига қараганда, 13 минг нафардан кўпроқ киши вабо билан оғриганлиги, шулардан 3 минг кищи вабодан ўлганлиги қайд қилинган. Бироқ мақаллий матбуот вабодан ўлганлар сони бундан анча кўпроқ эканлигини таъкидламоқда. Газеталар гайри-расмий маълумотларга асосланиб берган хабарларда айтилишича, вабодан ўлган кишилар 8 минг нафардан ошиб кетди. «Ньюнл геральд» газетасининг ёзишига қараганда, Ғарбий Бенгалияда Шарқий Покистондан кочиб келган 4,5 миллион кишининг катта қисми лагерларда истиқомат қилмоқда. Ғарбий Бенгалил ҳукумати шу штатнинг чегарадош районларидан саккиздан етти қисмида вабо касали тарқалганлигини эълон қилди.

ИККИ ВЕТЕРАН

ФЕЛЬЕТОН

Улар Капитолия тепалигида учрашди. Бири граждан, иккинчиси эса ҳарбий кийимда эди.

— Ҳой йигитча, бу ерда нима қилиб юрибсан?

— Сайр қилиб.

— Қани, жўна бу ердан!

— Нега бийрўқ берасан, ким бўпсан ўзи?

— Нима бало, хизмат бурчини ўтаётган солдатни кўрмаганмисан? Кўзингни каттарок оч!

Граждан кийимидаги киши кўзидан қора кўзойнагини олди. Унинг чап кўзи сўқир эди.

— Эх-ҳа, бунақа демайсанми, — ачинди солдат. — Чекишдан олгин.

Улар чекишди.

— Ким сени бундай қилди? Қандайдир қиз учун уришгандирсан-да?

— Йўқ, қиз учун эмас. Лаосдаги урушни эшитганмисан?

— Бўлмаса-чи! Роса қиздирган-дир-а?

— Қиздириш ҳам гапми, ёндирди. Ҳар томондан ўт пуркади, тутун, танклар ларзаси... Сен ярадорларнинг оҳ-додини ҳеч эшитганмисан? Даҳшат!

— Ҳа, айниқса ярадор аёл чинқиришини, вой-войлаганича асфальтга йиқилганини айтмайсанми. Худди кинодагига ўхшайди.

— Тўхта! Мен сенга уруш ҳақида гапиряпман. Сен нималар деб валдираяпсан?

— Уруш ҳақида-да, яна нима бўларди.

Суҳбатдошлар тушунмагандай бир-бирига тикилиб қолишди. Ниҳоят қора кўзойнакли киши сўз котди:

— Демак, бу ерда майдаги қирғинда сен ҳам қатнашибсан-да?

— Аввало, «қатнашибсан» деганинг нимаси? Мен буйруқни бажардим. Иккинчидан, қирғин эмас, одатдаги ҳарбий операция, билдингми?

— Ахир, кишиларни нима дуч келса, ўша билан уриб, худди кўшхонага мол ҳайдагандай ҳайдадинглар-ку! Яна буни ҳарбий операция деяпсан-а?

— Қандай буюришган бўлса, шундай айтяпман. Буни Пентагондаги генераллар бизданяхшироқ билишади. Чунки операцияларни мен эмас, Оқ уй билан биргаликда улар ишлаб чиқишади. Менинг ишим эса, буйруқни бажариш, холос.

— Лекин оддий аскарнинг ҳам ўйлаш учун елкасида калласи бўлади.

— Шунинг учун ҳам сен, ҳалиги нима эди, газеталарда «ҳукуматга ишончини йўқотган» деб ёзишади-ку, ўшалардан эмасмисан? —деб ўйлаяпман-да. Балки, ҳатто қизилдирсан?

— Э, қизил бўлмаса, сариқ бўлмайдими? Менга энди бари бир. Сен ҳам ўрмонларда порох исини ҳидлаб кўрганингда бошқача гапирган бўлардинг. Мана, кўриб турибсан, мен бир кўзимдан айрилдим, лекин оёқларимни судраб келолдим. Кончадан-қанча йигитлар беҳуда нобуд бўлишди. Нима учун? Ахир улар ҳам бошлиқнинг буйруғини бажаришганди, холос. Менинг бир ўзимни «сариқ» деб ўйлайсанми? Вьетнам сен билан менга ўхшаш минглаб йигитларнинг кўзини очди. Энди бу уруш туфайли кимга нима тегишини билиб олдик. У ерда — Ҳинди-Хитойда Ғарбнинг пешанасига кўргошин олса, кимдир бу ерда олтинни сандиғига солади.

— Сен ҳали менга Пентагон ва Оқ уйга лаънат тошини ёғдирғанган бақироқларга раҳм қилишимни маслаҳат берарсан.

— Ахир, сизлар намойишчиларни ҳайдаётганда қанча одамларни майиб қилдиларинг-ку. Наҳотки сенда бир чақалик ҳам виждон қолмаган бўлса?

— Ҳамма урди, мен ҳам урдим. Виждонга келганда эса — мусичаи беозор, дейишади менинг командирларим. Улардан юқори мартабалилари эса тартиб ўрнатиш керак бўлган пайтда сийлаб ўтиришни ҳуш кўришмайди. Яхшиси, сен бу ташвиқотингни қўй, бўлмаса...

Ҳовлиқма. Ахир иккаламиз ҳам жанг қилганмиз, иккаламиз ҳам ветеранмиз.

Қора кўзойнакли киши шундай деди-да, конгресс биноси томон юрди. У бинога кираверишдаги зинанинг пиллапоясига қандайдир бир буюмни ташлади, сўнг йўловчиларга қўшилиб, кўздан ғойиб бўлди. Солдат яқинроқ бориб разм солди —оқ тош устида медаль ётарди.

...Ўша куни кечқурун солдатга ҳам худди шунақа медаль топширишди. Ҳинди-Хитойда Никсон олиб бораётган жирканч урушга қарши чиққан намойишчиларни калтаклагани учун уни мукофотлашган эди.

М. СЕМЕНОВ.

«51-ШТАТ»

АҚШнинг Қоҳирадаги собиқ ишлар вакили Дэвид Несснинг «Нью-Йорк таймс» газетасида босилган мақоласида бундай дейилади. «Қўшма Штатлар билан Исроил ўртасида вужудга келган» алоҳида муносабатлар ҳозирги кунда ҳамма соҳаларда — мудофаа, иқтисодий ҳамкорлик, разведка маълумотларини айирбошлаш, умумий гражданлик ва дипломатик йўл билан қўллаб-қувватлаш соҳаларида тенгсиз ҳам кўпроқ мустаҳкамланди».

«Аслини олганда Исроил бизнинг 51-штатимиз бўлиб қолди», деб ёзади Дэвид Нес.

Прогрессив Араб режимларини ағдариб ташлаш учун Америка тузган планларда Исроилнинг бажараётган ролига Вашингтон мудда бериб турганлигини кўрсатувчи фактлар ва маълумотлар мақолада муфассал келтирилган. 1948 йилдан 1969 йилгача бўлган давр ичида АҚШ ҳукуматининг Исроилга берган жамики иқтисодий ёрдами 1,3 миллиард долларга етди, хусусий манбалардан Исроилга бериб турилган пулларнинг миқдори эса 2,5 миллиард долларга етди. Бинобарин, Қўшма Штатлар Исроилга ўзининг ҳар қандай иттифоқчисига берганидан ҳам анча кўп миқдорда ёрдам берганлиги шу рақамларда кўриниб турибди, деб таъкидлайди Америка дипломати. Исроилга ўтказилган пуллар 1970 йилда 800 миллион долларга етди, 1971 йилда эса 1,5 миллиард долларга етказилади. Бундан ташқари, дейилади мақолада, 1972 йилда Исроилга ўтказилаётган бу пулларнинг миқдори яна икки баравар кўпайтирилади, деб чамалаш учун ҳамма асослар бор.

1967 йилдан бери Қўшма Штатлар Исроилга қурол-яроғ етказиб берувчи ягона мамлакат бўлиб қолди. «Яна бир катта аҳамиятга эга бўлган факт шуки, дейилади мақолада, Исроилга етказиб бераётган самолётларимиз, ракеталаримиз ва электрон системаларимиз сифати НАТО ва СЕАТОдаги иттифоқчиларимизга биз берайётган шу материалларнинг сифатига қараганда анча яхшироқ бўлиш билан бирга анча катта зарб қувватига ҳам эга». Бундан бир неча ой аввал, деб ёзади Дэвид Нес, вакиллар палатаси чет элларга ҳарбий материаллар етказиб бериш тўғрисидаги қонун лойиҳасига киритилган тузатишни қабул қилди. Шу тузатишга кўра, президентга Исроилга ўзи истаган миқдорда ҳарбий аижом юбориш ваколати берилди. Вакиллар палатасининг собиқ раиси Маккорвак «Мен вакиллар палатасининг 42 йил аъзоси бўлиб турдим. Шу вақт ичида президентга ана шундай ваколат беришганини асло эшитган эмасман...» деди.

«Разведка маълумотларини айирбошлашга келганда, деб ёзади Америка дипломати, Исроил билан бизнинг ҳамкорлигимиз, ҳақиқатан ҳам мисли йўқ ҳамкорлик бўлмоқда. 1967 йилги урушдан олдин ўтган ойлар ичида Вашингтоннинг Қоҳирадаги элчихонасига, Марказий разведка бошқармасининг ходимларига ва ҳарбий разведка органларига ҳарбий разведка йўли билан юборилган топшириқларнинг ҳаммасида асосан Исроилнинг аҳтиёжлари кўзда тутилган эди». Исроил ҳарбий ҳаво кучларининг июнь вақтидаги урушдан берган зарбалари самарали бўлиб чиқиши, деб ёзади Дэвид Нес, «Миср аэродромлари ва самолётларининг турган жойлари тўғрисида Америка ходимлари орқали олинган маълумотлар билан кисман таъминланган» эди.

Икки ёқлама гражданлик масаласида ҳам, деб ёзади Дэвид Нес Исроил фавқулодда мавқеини эгаллаб турибди.

Ҳозирги вақтда Исроилда ҳам «Америка граждани, ҳам Исроил граждани бўлган 25 минг нафарга яқин киши истиқомат қилмоқда». Бундай икки ёқлама гражданлик Исроил қуролли кучларида хизмат қилиш ҳуқуқини беради. (ТАСС).

АҲОЛИ НОРОЗИЛИГИ

БОНН, 9 июнь. (ТАСС). Баварияниг Лампфердинг районида ҳарбий маъмурлар ракета позицияларн қуришни планлаштириб қўйганликлари мана шу район жамоаси аҳолисини ташвишга солмоқда ва аҳоли бунга қарши норозилик билдирмоқда. Лампфердинг жамоасининг, шунингдек, қўшни жамоалар бўлган Кронау ва Эйзенбартлинг жамоаларининг вакиллари бу лойиҳага қарши норозилик билдирган эдилар. Аммо «Зюйддойче цайтунг» газетасининг ёзишига қараганда, бу норозиликка «ҳеч ким қулоқ солгани йўқ».

Аксинча, Бавария давлат маҳкамаси мана шу ҳарбий объект қурилишини, натижада 12 деҳқон оилалари бу ерлардан ҳайдаб чикарилишини «гоят махфий иш» деб дарров эълон қилди.

Матбуотнинг уқтириб ёзишига қараганда, янги ракета позициялари Бундесверники бўладими, ёки НАТО блокидаги бошқа бирор армияники бўладими, — бу нарса шу вақтгача маълум эмас.

ҚОТИЛ АНИҚЛАНДИ

САНТЬЯГО. Чили радиоси берган хабарда айтилишича, Чили давлат хавфсизлиги органлари Э. Фрей ҳукуматида ички ишлар министри бўлиб ишлаган Эдмундо Эрис Суховични ўлдирган киши кимлигини аниқлаганлар. Суховичнинг қотили муайян сиёсий партияга мансуб бўлмаган Рональд Ривер Кальдерон эканлига маълум бўлди. Яқинда Карабинер Гутьеррес ўлдирилганлиги ва пан Америка банкининг автомашинасига қилинган ҳужум ҳам шу қотилнинг иши деб тахмин қилиш учун асослар бор.

Мамлакатнинг кўпгина сиёсий касаба союз ва жамоат ташкилотлари халқ бирлиги раҳбарлигининг баёнотида бу қотилликка Чили хавфсизлигига қарши қаратилган жиноий планнинг бир қисми деб берилган баҳога қўшилмоқдалар.

Республика президентининг декрети билан Чилида уч кунлик мотам эълон қилинди. (ТАСС).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 — ТОШКЕНТ. **Узбек тилида:** 18,00 — Кинофильм, 18.10 — Ахборот, 18.25 — **Ҳофиз Шерозий,** 19.25 — Советларга сайловлар олдидан, 19.40 — Концерт, 20.40 — Ахборот, 20.55 — МОСКВА. Сайловчиларнинг ўртоқ **Л. И. Брежнев** билан учрашуви ва концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — МОСКВА, 18.30 — Болалар учун музикали кўрсатув, 18.30 — Рус операларидан саҳналар, 19.10 — Ҳужжатли фильм, 19.20 — Янгиликлар, 19.30 — София — Москва дўстлиги, 20.30 — Концерт, 20.55 — Сайловчиларнинг ўртоқ **Л. И. Брежнев** билан учрашуви ва концерт.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 11/VI да **Севги тумори,** 12/VI да **Риголетто.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 11/VI да **Шоҳ Эдип,** 12/VI да **Аяжонларим,** 13/VI да **Олтин девор.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Еқимтой жаноб «Р» — «СПУТНИК», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «МОСКВА» (эрталаб соат 11, кундуз 1 да), «ЧАЙКА» (кундуз соат 12, 2, 4 да).

Хайр дўстлар! — «ВОСТОК» (жуфт соатларда), «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун), НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10, 11.40 минут ва кеч соат 10 да).

Том Жонс (икки серия) — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Ҳамиша навқирон — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Утган кунлар (ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кундуз соат 1 ярим, 3.20 минут ва кеч соат 5 ва 8.20 минутда).

Катта сайр (икки серия) — «ЧАЙКА» (кеч соат 6 ярим ва 9 да).

Ҳамраз (икки серия) — «КУКЧА» (кундуз ва кечқурун).

ЕЗГИ БИНОДА

Катта сайр (2 серия) — ТЕЛЬМАН НОМЛИ.

Еқимтой жаноб «Р» — «ФЕСТИВАЛЬ».

Кунгабоқар — «ХИВА».

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

18, 19 июнь кеч соат 8 да

20 июнь кундуз соат 1 ва кеч 8 да

ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТ УСТАЛАРИ ВА АТОҚЛИ ИЖРОЧИЛАР ИШТИРОҚИДА

Катта концерт

«ТАБАССУМ ОҚШОМИ»

ҚАТНАШАДИЛАР:

Узбекистон ССР халқ артистлари — Амин ТУРДИЕВ, Ғани АЪЗАМОВ, Акром ЮСУПОВ.

Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар — Олмахон ҲАИТОВА, Таваккал ҚОДИРОВ, Жуманазар БЕКЖОНОВ, Қувондиқ ИСКАНДАРОВ, Эргаш КАРИМОВ, Эркинжон ТОШКЕНТБОЕВ.

Солистлар: Ҳабиба ОХУНОВА (Наманган), **Ҳалима ХОЛБОБОЕВА** (Марғилон), **Дилбар ҚАЮМОВА, Гулчеҳра ИСМОИЛОВА, Қизлархон ДУСМУҲАММЕДОВА, Комилжон БАРАТОВ,** ака-ука **Камолиддин** ва **Зокиржон РАҲИМОВЛАР** (Наманган), **Низомжон ИКРОМОВ,** ака-ука **Ғуломжон** ва **Абдуллажон ҒАФУРОВЛАР, Уткир ХОЛМУХАМЕДОВ, Зайнобиддин ЮСУПОВ** (Марғилон, **Ҳасан ЙЎЛДОШЕВ, Садир ЗИЁВУДДИНОВ, Одилжон ОХУНЖОНОВ.**

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Музика раҳбари — Азиз МУЛЛАХОЛОВ.

Программани А. ТУРДИЕВ, Ҳасан ЙЎЛДОШЕВ ва Тожи АЪЛОЕВлар олиб борадилар.

Билетлар Свердлов номли концерт зали ва Марказий «Юбилей» спорт зали кассаларида кундуз соат 2 дан сотилади.

ТОШКЕНТ ҲАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра мудири: фалсафа; **кафедра доцентлари:** фалсафа, сиёсий иқтисод, бухгалтерия ҳисоби, қишлоқ хўжалиги иқтисоди, пул муомаласи ва кредит, савдо иқтисоди, халқ хўжалигини планлаштириш **кафедра доцентлари** ёки катта ўқитувчилар, ёки ассистентлар: механтни нормалаш, физиология асослари ва меҳнат психологияси, техник механика, оптималь планлаштиришнинг математик методлари, территориаль планлаштиришнинг математик методлари, статистика, бухгалтерия ҳисоби.

Конкурс муддати 4 июлгача.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Олмазор кўчаси, 183-уй.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

ТЕЗ КУНДА

ШУКРУЛЛО

ТАБАССУМ ЎҒРИЛАРИ

2 пардали драма

Саҳнага қўювчи — Х. АППАНОВ

Рассом — Г. БРИМ.

Композитор — ЎзССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби И. АКБАРОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ТЕХНИК МАТЕРИАЛЛАР ТАЪМИНОТИ БОШ БОШҚАРМАСИ

22 июндан 24 июнгача

ТОШКЕНТДАГИ «ЕШЛИК» СПОРТ САРОЙИ БИНОСИДА

(«Пахтакор» стадиони)

БУТУНИТТИФОҚ УЛГУРЖИ САНОАТ ЯРМАРКАСИНИ ЎТКАЗАДИ

Ярмаркада қуйидагиларни сотиш ва сотиб олиш тавсия қилинади: станоклар ва технологик ускуналар, аҳтиёт қисмлар, электр материаллари, асбоблар, лак-бўёқ маҳсулотлари, химикатлар, тўқимачилик материаллари ва бошқа материаллар.

Ярмаркага Ўзбекистон ССРнинг колхоз, совхоз ва ташкилот, корхоналарнинг вакиллари таклиф қилинади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Глинка кўчаси, 3«А»-уй. Телефонлар: 53-39-14, 33-62-76.

57-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1971—1972 ўқув йилига қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

металл бўйича токарь, йиғув-механика ишлари, бўйича слесарь, саноат ускуналарини тузатиш бўйича слесарь, ускуналарни тузатиш ва эксплуатация қилиш бўйича электромонтёр, мебелчи-дурадгор, фрезерчи.

Билим юртига 8-10 синф ҳажмида маълумотга эга бўлган 15-17 ёшли йигит-қизлар қабул қилинади.

Машғулотлар 1 сентябрдан бошланади.

Ўқиш муддати 1 ва 2 йил.

Ўқиш даврида ўқувчилар уч маҳал иссиқ овқат, иш кийими ва кийим-бош билан таъминланадилар.

Бошқа жойлардан келганлар етоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртини аъло битирганлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг кундузги бўлимларига мажбурий иш стажисиз қабул қилинадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Високовольтний массиви, 3-сектор (4, 19, 41-автобуслар, 13 трамвайнинг «Кооперативная кўчаси» бекати).

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси №28. Редактор —336545, Редактор ўринбосарлари — 337914, 330683. Масъул секретарь — 334455, Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283. Партия турмуши — 333469, 337221. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331455, Халқаро ҳаёт — 337221. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780. Совет қурилиши — 333258. Қишлоқ хўжалиги — 337604. Адабиёт ва санъат — 332036, 331216. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 331424. Оммавий ишлар ва хатлар — 332143, 333553. Иллюстрация — 334524. Стенографистка —337343. Корректура—337162. Эълонлар—333142 Коммутатор—330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ, Андижон — 48—85. Бухоро — 3—31—42, Қарши — 38—42, Пукус — 42—62, Самарқанд — 31—972, Термиз — 54—01, Урганч — 34—55. Фарғона — 4-29-44. Гулистон — 22-03.

А — 132. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Р. 04262.